БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 20 (17.013). ● 24 январь 1978 йил, сешанба ● Баҳоси 2 тийин.

РЕСПУБЛИКАМИЗ МЕҲНАТКАШЛАРИ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ, ВЦСПС ВА ВЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ МАКТУБИГА АМАЛИЙ ИШ БИЛАН ЖАВОБ БЕРМОҚДАЛАР.

ЙИЛЛИК ПЛАН МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

ТОШКЕНТ «ШАРҚ» МЕБЕЛЬ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1978 ЙИЛГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

«Шарқ» бирлашмасининг коллективи КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Совети Иттифоқи меҳнаткашларига йўллаган Мактубига амал қилиб, 1978 йил учун қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қилади:

— маҳсулот реализация қилиш йиллик планини 21 декабрда бажарамиз ва планга қўшимча 1,1 миллион сўмлик мебель реализация қиламиз;

— пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 830 минг сўмлик кўпайтирамиз, планга қўшимча равишда 70 минг сўм фойда оламиз;

— Сифат белгиси қўйилган маҳсулот салмоғини умумий ҳажмнинг 8.1 процентига қадар етказамиз. Бир буюмни Сифат белгиси олиши учун аттестацияга тайёрлаймиз;

— икки хил янги буюм ишлаб чиқаришни ўзлаштирамиз;

— маҳсулот сифатини бошқариш комплекс системасини жорий қилишни давом эттирамиз, бунинг учун корхонанинг 24 стандартини ишлаб чиқиб, жорий этамиз;

— қўл меҳнати салмоғини 2 процент камайтирамиз. 12 та янги асбоб-ускунани ўрнатамиз. Механизациялаштирилган поток линияни жорий этамиз;

— 30 минг сўмлик материал, 200 тонна шартли ёқилғи, бир неча ўн минг киловатт-соат электр энергияни тежаймиз. Қирқ минг сўмлик иқтисодий самара берадиган 50 та рационализаторлик таклифини жорий этамиз;

— 250 кишининг ишлаб чиқариш малакасини оширамиз, 185 ишчини, инженер-техник ходимлар ва хизматчилардан 65 кишини иқтисодий ўқишга жалб этамиз. 200 нафар янги ишчини тайёрлаймиз;

— Иваново мебель комбинати билан соцчалистик мусобақани давом эттирамиз.

Ушбу социалистик мажбуриятлар коллективнинг умумий йиғилишида муҳокама этилиб, қабул қилинган.

ТОШКЕНТДАГИ «МАЛИКА» ТРИКОТАЖ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1978 ЙИЛГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

«Малика» бирлашмасининг коллективи КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг социалистик мусобақани янада авж олдириш тўғрисидаги Мактубига қоқрет ишлар билан жавоб қайтаришга интилиб, 1978 йил учун қуйидаги социалистик мажбуриятларни қабул қилади:

— маҳсулот реализация қилиш йиллик планини 29 декабрга муддатидан илгари бажарамиз, пландан ташқари 340 минг сўмлик маҳсулот реализация қиламиз, планга қўшимча равишда 2 мингта устки ва ички трикотаж буюм ишлаб чиқарамиз;

— меҳнат унумдорлигини планга нисбатан 0.3 процент ўстиришга эришамиз, ишлаб чиқариш ҳажмининг бутун ўсишини меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан қўлга киритамиз;

— давлат Сифат белгиси қўйилган маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтирамиз ва шундай буюмлар салмоғини ишлаб чиқарилаётган маҳсулот умумий ҳажмининг 8.2 процентига етказамиз;

— пландагидан 30 минг сўм зиёд фойда оламиз;

— 520 минг сўмлик иқтисодий самара берадиган 195 рационализаторлик таклифини жорий этамиз;

— 55 та янги асбоб-ускунани ўрнатамиз;

— 1 тонна жун калава билан 0.6 тонна ярим жун калавани, 20 минг киловатт-соат электр энергияни, 20 гигакалория иссиқлик энергиясини тежаб қоламиз;

— тежаб қолинган ҳом ашёдан 40 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарамиз.

Мажбуриятлар коллективнинг йиғилишида қабул қилинган.

МУСОБАҚА ВА МАТБУОТ

Бизнинг партиямиз, совет халқи сафарбар қилувчи, аниқ-равшан ҳаракат программасига эга бўлган ҳолда беш йилликнинг учинчи йилига қадам қўйди. Бу программада халқ хўжалигини ривожлантириш тажрибасини ҳар томонлама анализ қилиш асосида мамлакат экономикасини янада юксалтириш, меҳнаткашларнинг фаровонлигини ошириш соҳасида навбатдаги вазифалар белгилаб берилди. КПСС Марказий Комитети 1977 йил декабрь Пленумининг қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқида баён этилган қоида ва хулосалар шундай программа бўлиб қолди. Улар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1978 йилда умумхалқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисидаги Мактубида аниқ ифода этилди, ривожлантирилди ва конкретлаштирилди.

Юқорида айтиб ўтилган ҳужжатлар совет матбуоти, телевидение ва радио эшиттириш ходимларига меҳнат мусобақасининг боришини ёритишда мустаҳкам йўл-йўриқлар кўрсатиб беради. Матбуотнинг бурчи — ана шу ҳужжатларни равшан, равон пропаганда қилиш, ҳужжатларда қўйилган вазифаларни амалга оширишда партия ва давлатга кўмаклашишдан иборат. Хўжалик практикасини такомиллаштиришга, мусобақани ташкил этишни янада яхшилашга ёрдам берадиган ижобий тажрибани чуқур анализ қилиш, умумлаштириш ва ёйиш, ишга зарар етказадиган, планларнинг ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилишига ҳалақит берадиган ҳамма нарсага қарши кескин кураш олиб бориш жуда муҳимдир.

Ишлаб чиқаришнинг миқёслари гоят ўсган ва унинг характери мураккаблашиб, ишлаб чиқаришдаги барча тармоқларнинг ўзаро боғланиши кучайган ҳозирги пайтда Ленининг журналистларга берган наказлари жуда катта маъно касб этади: «Меҳнат масалаларини бевосита амалий равишда ўртага қўйиш»га катта эътибор бериш, «чинакам яхши иш намуналари»ни эътибор билан кўрсатиш ва «ҳар бир район, ҳар бир бўлим, муассасанинг қолоқлиги, бепарволиги ёки уқувсизлигига қарши шафқатсиз кураш олиб бориш» керак.

Илғор коллективлар ва ходимларнинг партия Марказий Комитети маъқуллаган ташаббуслари зўр ғайрат билан қўллаб-қувватлашга сазовордир. Хом ашё, материалларни, ёқилғи, электроэнергияни тежаш, иш вақтининг ҳар минутидан, меҳнат ва молия ресурсларидан рационал фойдаланиш йўлидаги нурашнинг ибратли намуналарини пайқаб олиш ва уларни ҳамманинг мулкига айлантириш лозим. Масалан, «Московская правда» ва «Строительная газета», «Правда Украины» ва «Правда Востока» республика газеталари, «Молот» (Ростов-Дон), «Уральский рабочий» (Свердловск), «Ленинское знамя» (Липецк) область газеталари ва бошқа нўп газеталар бу соҳада собитқадамлик, сабот-матонат билан иш кўрмоқдалар.

Мусобақа мавзуи кенг ва кўп қиррали эканлигига шак-шубҳа йўқ. Аммо мавзунинг кенглиги уни мужмаллаштириб юбориш мумкинлигини асло билдирмайди. Бу мавзунинг ўзаги, ташкил этувчилик асослари бор. Бу асос шундан иборатки, оммавий ахборот ва пропаганда воситаларини хўжаликдаги ички қўшимча резерварни ва экономикани интенсивлаштиришнинг янги имкониятларини доим, пухта қидириб топиш ва сафарбар қилишга, хўжалик ҳамда маданий қурилишнинг ҳамма босқичлари, барча участкаларида интизом ва уюшқоқликни оширишга қаратиш керак.

Ҳаёт фактларинигина эмас, матбуотда босилган материалларнинг сифати, оқибатларини ҳам синчиклаб анализ қилиш зарур. Масалан, ҳозирги вақтда матбуот саҳифаларида социалистик мажбуриятлар ва муқобил планлар эълон қилинмоқда. Аммо бунга қандайдир дабдабали бир иш деб қараш нотўғри бўлур эди. Мажбуриятларни ва муқобил планларни ишлаб чиқишга шундай таъсир ўтказиш керакки, уларда асосий эътибор ўсишнинг сифат омилларига, мусобақадошлар меҳнати учун энг яхши шарт-шароитларни вужудга келтиришга қаратилган бўлсин. Шундай «ташаббуслар» ҳам бўладики, улар айрим хўжалик ходимларининг бошқаларга таяниш кайфиятларига асосланади, план ва мажбуриятларни амалга ошириш хом ашё ва материалларнинг қўшимча фондларини ажратиб беришга, ишловчилар сонини кўпайтиришга ва шу сингариларга боғлиқ қилиб қўйилади. Бундай тенденцияларга зарба бериш зарур. Газеталарда, масалан, у ёки бу корхонанинг ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулотни реализация қилиш бўйича планларни муваффақиятли бажарганлиги тўғрисидаги хабарлар тез-тез пайдо бўлиб туради. Буюмларнинг номенклатураси ва хиллари юзасидан берилган топшириқлар бажарилдими, шартномаларда олинган мажбуриятларга риоя қилиняптими, деган масала кўпинча эътибордан четда қолдирилади, ваҳолонки, буларсиз мусобақанинг асосий мақсади бўлган яхши провард натижаларга эришиб бўлмайди.

Матбуотнинг мусобақа боришига публицистик таъсир ўтказиш воситалари хилма-хилдир. Журналист коллективлар бу воситалардан оқилона фойдаланишни биладилар, бунда тайёр рецептлар йўқ. Аммо, муҳими шуки, материалларнинг барча формалари ва жанрлари, редакциялар оммаси ишининг методлари ҳаммани кўпроқ хабардор қилиб туриш, эришилган натижаларни яққол таққослаб кўриш, илғор тажрибани амалий равишда тақрорлаш каби асосий принципларга яхши жавоб бериши керак. Ҳар бир янгилик, ҳар бир ташаббусни қўллаб-қувватлаган ҳолда уларнинг иқтисодий жиҳатдан тамомила асосланиб, ташкилий ва моддий-техника жиҳатдан мустаҳкамлаб берилганлигига ишонч ҳосил қилиш керак. Худди, шунингдек, танқид ҳар қанча кескин бўлганида ҳам камчиликларни йўқотишнинг конкрет йўлларини қидириб топиш, салбий ҳолатларни вужудга келтирадиган сабабларни синчиклаб анализ қилиш билан доим бирга қўшиб олиб борилиши керак.

Матбуот саҳифаларида мусобақа қатнашчиларининг фикрлари зўр эътибор билан салмоқли қилиб ёритилган ва редакцияларнинг авторлар активи билан алоқаси мустаҳкамланиб борган сари, матбуотнинг меҳнаткашлар ватанпарварлик ҳаракатини ривожлантиришга қўшадиган ҳиссаси, босиб чиқариладиган материаллари таъсирчанлиги ҳам шунчалик юқори даражага кўтарилади. Матбуотда босиладиган материаллар кишиларда ташаббус ва ижодий фикрни уйғотиши, хўжасизлик ва бўшанглик, бюрократизм ва ландавурликнинг ҳар қандай кўринишларига йўл қўймаслик вазифасини кучайтириши, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаши лозим.

Партия комитетларининг матбуотда босилган материалларнинг яхши натижа беришига кўпроқ эътибор ва ғамхўрлик қилишлари, буни қўллаб-қувватлашлари, оммавий ахборот ва пропаганда воситалари фаолиятини пухта мувофиқлаштириб олиб боришни ташкил этишлари — эълон қилинадиган материалларнинг ғоявий ва публицистик савиясини ошириш, уларнинг меҳнат мусобақаси боришига ва кадрларни тарбиялашга таъсирини кучайтириш негизидир. Маълумки, бу воситаларга партиявий раҳбарлик умумий тавсиялар ва йўл-йўриқлар беришдан иборат эмас. Бу раҳбарлик ўзаро маслаҳатлашишни ҳам, тажриба айирбошлашни ҳам, амалий ўқишни ҳам ўз ичига олади. Буларнинг ҳаммаси журналистларда чинакам партиявий фазилатларни, нарсаларга янгича қарашни, ишнинг кўзини билиб, аниқ, оператив ишлаш, ҳамма жойда ва ҳамма ишда принципиал, жанговар курашчи бўлиш маҳоратини камол топтириши керак.

Матбуотнинг жамсатчилик кучи меҳнат кўтаринкилигини мустаҳкамлашга амалий ёрдам бераверсин, беш йилликнинг учинчи йилида янги юксак марраларга эришиш учун кўмаклашаверсин.

(«Правда»нинг 23 январдаги бош мақоласи).

ТАСС АХБОРОТИ

КОСМОНАВТИКА ТАРИХИДА БИРИНЧИ МАРТА

ЮК ТАШУВЧИ ТРАНСПОРТ КЕМАСИ «ПРОГРЕСС-1» «САЛЮТ-6»—«СОЮЗ-27» ОРБИТАЛ КОМПЛЕКСИ БИЛАН ТУТАШТИРИЛДИ

1978 йил 22 январь куни Москва вақти билан соат 13 дан 12 минут ўтганда юк ташувчи автомат транспорт кемаси «Прогресс—1» киши бошқарадиган «Салют—6» — «Союз—27» илмий комплекси билан туташтирилди.

Космонавтика тарихида биринчи марта автомат кема ёрдамида двигатель установкаларини тўлиқ заправка қилиш учун ёқилғи, экипаж ҳаёт фаолиятини таъминлаш ҳамда илмий тадқиқотлар ва экспериментлар ўтказиш учун асбоб-ускуналар, аппаратлар ва материалларни киши бошқарадиган орбитал станцияга элтиб бериш соҳасида транспорт операцияси амалга оширилди.

Таъминот соҳасида юк ташувчи автомат кемалар билан бажариладиган транспорт операциялари киши бошқарадиган орбитал комплексларнинг актив ишлаш муддатини ва улардан илм-фан манфаатлари ҳамда халқ хўжалиги эҳтиёжлари йўлида фойдаланиш самарадорлигини анча ошириш имконини беради.

Транспорт кемаси «Салют—6» станциясининг агрегат бўлмасида жойлашган туташтирувчи узелга туташтирилди. Космик аппаратлар бортдаги радиотехника воситалари ва ҳисоб-ечиш қурилмалари ёрдамида автомат тарзда бир-бирини қидириб яқинлашди, ёндашди ва бир-бири билан туташди.

Киши бошқарадиган комплекс экипажининг аъзолари космонавтлар Романенко билан Гречко ёндошиш ва туташтириш жараёнларини кузатиб, контроль қилиб турдилар.

Учиш программасига мувофиқ, экипаж элтиб берилган юкларни станция ичига олиб ўтади, транспорт кемасига эса ишлатилган асбоб-ускуналарни олиб чиқиб кўяди. Станцияни ёқилғи билан тўлиқ заправка қилиш ишлари учишни бошқариш марказидан берилган командаларга мувофиқ, шунингдек бевосита экипаж томонидан бажарилади.

Орбитага юк чиқариш имкониятларини кўпайтириш ва транспорт операциялари қийматини камайтириш мақсадида «Прогресс—1» кемаси конструктив жиҳатдан шундай ясалганки, уни ерга қайтариб тушириш кўзда тутилмайди.

«Прогресс—1» кемаси орбитал илмий тадқиқот комплекси составидаги ишлар тугагандан кейин станциядан ажратилади. Кема атмосферанинг зич қатламларига киргандан кейин йўқ бўлиб кетади.



«Прогресс-1» транспорт кемасининг «Салют-6» — «Союз-27» орбитал комплексига яқинлашган пайти.

Сурат телекосмик алоқа орқали олинди. (ТАСС фотоси).

Телеметрик ахборот маълумотларига ва экипажнинг докладларига кўра, «Салют—6» орбитал илмий станцияси, киши бошқарадиган «Союз—27» кемаси ва юк ташувчи «Прогресс—1» транспорт кемасидан иборат космик комплекснинг ҳамма борт системалари нормал ишлаб турибди. Космонавтлар Романенко билан Гречко ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар.

Киши бошқарадиган «Салют—6» — «Союз—27» илмий тадқиқот комплексининг учишида янги муҳим босқич муваффақиятли бошланди. Шу учиш жараёнида киши бошқарадиган «Союз» космик кемалари ва юк ташийдиган «Прогресс» автомат кемалари ёрдамида орбитал станцияларга хизмат қилиш системалари синовдан ўтказилиб, пишиқтирилади.

ТУРМУШ МАДАНИЯТИ ТЎҒРИСИДА ПАРТИЯВИЙ ҒАМХЎРЛИК

23 январь куни аҳолининг турмуш маданиятини ошириш республика кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Кенгаш республикада кооператив уй-жой қуришнинг аҳволи ва уни жадаллаштириш тадбирлари тўғрисидаги, колхоз ва совхоз посёлкалари бош планлари қандай ишлаб чиқилаётганлиги ҳақидаги масалаларни муҳокама қилди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Қ. А. Аҳмедов, республика қишлоқ қурилиши министри Ҳ. М. Носиров, «Узколхозстрой» бирлашмасининг раиси Э. А. Ашуров, «Главташкентстрой» бошлиғи Т. Н. Набиев ахборот бердилар.

Ўзбекистон ССР Госстройининг раиси П. И. Кавтаров колхоз ва совхоз посёлкалари бош планларини ишлаб чиқиш қандай бораётганлиги ҳақида ахборот берди.

Кенгаш шаҳарларда ва қишлоқ жойларида уй-жой қуриш кооперациясини ривожлантириш юзасидан республикада муайян ишлар қилинганлигини таъкидлаб ўтди. 1978 йилнинг 1 январигача 36 та шаҳар ва 358 та қишлоқ уй-жой қуриш кооперативи ташкил қилинди ва ишлаб турибди. 1977 йилда республикада кооператив йўли билан уй-жой қуриш 1975 йилдагига нисбатан 2.6 баравар кўпайди, «Узколхозстрой» бирлашмасининг қишлоқда, айниқса Андижон ва Фарғона областларида уй-жой қуриш кооперациясини ташкил этиш соҳасидаги иши сезиларли даражада активлашди.

Бироқ бу соҳадаги иш суръатлари ҳали етарли эмас. Жиззах, Хоразм ва Тошкент областларида, шунингдек Нукус, Жиззах, Қарши ва Термиз шаҳарларида кооператив усулда уй-жой қуриш сust ривожланмоқда. Қурилиш министрлиги, Қишлоқ қурилиши министрлиги ва «Главташкентстрой»нинг айрим ташкилотлари ана шу муҳим ишга ҳали ҳам етарли эътибор бермаяптилар.

Фарғона областида мактабгача болалар муассасаларининг аҳволи ва уларнинг ишини яхшилаш тадбирлари ҳам кўриб чиқилди. Фарғона область партия комитетининг иккинчи секретари В. П. Есин шу масала юзасидан ахборот берди.

Мажлисда таъкидлаб ўтилганидек, республика партия ва совет ташкилотлари партия XXV съездининг, КПСС Марказий Комитети Пленумларининг ахолининг турмуш маданиятини ошириш ҳақидаги йўл-йўриқларини оғишмай амалга оширмоқда. Шу масалалар юзасидан республика кенгашининг илгари берган тавсияларини бажармоқда. Шунга қарамай, ишда ҳали жиддий камчиликлар бор, барча имкониятлар ва резервлардан ҳозирча тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Қабул қилинган тавсияларда тўпланган тажриба умумлаштирилди, партия ва совет органлари, хўжалик ташкилотлари фаолиятининг КПСС Марказий Комитети 1977 йил декабрь Пленуми, СССР Олий Советининг саккизинчи сессияси ўртага қўйган вазифалар асосида республика шаҳарларида ва қишлоқларида турмуш маданиятини ошириш билан, коммунал хўжаликни ва аҳолига маиший хизмат кўрсатишни янада ривожлантириш билан боғлиқ бўлган муҳим соҳаларини янада яхшилашга қаратилган конкрет программа белгиланди.

Кенгаш мажлисида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

(ЎЗТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

23 январь куни Тошкентда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг пленуми бўлди. Пленумда ВЛКСМ Марказий Комитетининг ВЛКСМ сафларини ўстириш ва республика комсомол ташкилотининг сифат составини яхшилаш соҳасида Ўзбекистон комсомол комитетларининг иши тўғрисидаги қарорини бажариш юзасидан республика комсомол ташкилотларининг вазифалари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Ғ. Ғафуржонов доклад қилди.

Пленум республика ЛКСМ Марказий Комитетининг Ўзбекистон комсомолининг XXI съезлига ҳисобот докладини кўриб чиқди ва тасдиқлади.

(ЎзТАГ).

ЛАУРЕАТ МАККАЖЎХОРИКОРЛАР

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети маккажўхори дони етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан беш йиллик иккинчи йили топшириқлари бажарилишига катта ҳисса қўшганлиги учун, Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида юксак натижаларга эришганлиги учун республикадаги комсомол-ёшлар маккажўхорикорлик бригадаларининг ўн икки раҳбарига республика Ленин комсомоли мукофотини берди.

Хўжайли районидаги Ленин номли колхоздан Ширин Мадраимовна Юсупова, Хўжаобод районидаги «Ўзбекистон» колхозидан Давлат Тўланов, Қизилтепа районидаги «Ленинград» колхозидан Жалол Аъзамов, Жиззах районидаги Навоий номли колхоздан Ёқуб Зоиров, Нишон районидаги Усмон Юсупов номли совхоздан Воҳид Озодович Чориев, Тўрақўрғон районидаги «Ўзбекистон» колхозидан Иброҳим Зокиров, Самарқанд районидаги Улуғбек номли колхозлараро бўрдоқичилик пунктидан Баҳром Тоҳиров, Денов районидаги Жданов номли колхоздан Мукаррам Сафаровна Қодирова ,Сирдарё районидаги «Малик» совхозидан Нуриддин Исмоилов, Чиноз районидаги «Партия XXIV съезди» совхозидан Абдурасул Турсунбоевич Эрназаров, Қува районидаги «Коммунизм» колхозидан Нозимжон Ҳайбуллаев, Гурлан районидаги «Ленинизм» колхозидан Рўзмат Ёрлиқалов мукофот лауреатлари бўлишди.

23 январь куни Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетида «кахрабо дон» миришкорлари бўлган лауреатларга мукофотлар тантанали вазиятда топширилди.

(ЎзТАГ).

АКТИВ ЙИҒИЛИШЛАРИ

Нукусда Қорақалпоғистон АССР партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда КПСС XXV съездининг қарорлари, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактуби асосида Автоном республика саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа ходимларининг вазифалари муҳокама қилинди. Область партия комитетининг секретари А. П. Федоров доклад қилди.

Йиғилиш қатнашчилари корхоналарнинг ўнинчи беш йиллиги дастлабки икки йили мобайнидаги фаолиятини ҳар томонлама анализ қилдилар, мавжуд резервларни очдилар, улардан фойдаланиш йўлларини белгилаб олдилар.

Оширилган социалистик мажбуриятларни қабул қилиндик. Бу мажбуриятда саноат ишлаб чиқариш программасини 19 декабргача бажариш, бир қанча қурилиш объектларини барвақт ишга тушириш мўлжалланади.

* * *

23 январь куни Сирдарё область партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш КПСС XXV съездининг қарорлари ҳамда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактуби асосида саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини янада ошириш вазифаларини муҳокама қилди. Область партия комитетининг секретари А. А. Азимбеков доклад қилди.

Сўзга чиққан ўртоқлар область меҳнаткашлари, беш йиллиқнинг учинчи йили топшириқларини барвақт бажариш, меҳнат унумдорлигини муттасил оширишга эришиш иштиёқида эканликлари тўғрисида гапирдилар.

Йиғилишда социалистик мажбуриятлар қабул қилинди, саноат маҳсулотининг асосий турларини реализация қилиш ва ишлаб чиқариш юзасидан йиллик планни 22 декабргача бажаришга қарор қилинди.

* * *

23 январь куни Бухоро область партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчилари КПСС XXV съездининг қарорлари асосида саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини янада ошириш ва иш сифатини яхшилаш соҳасида область партия комитетининг вазифалари тўғрисида область партия комитетининг секретари Р. Р. Болтаевнинг докладини муҳокама қилдилар.

Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактуби область меҳнаткашларининг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшганлигини таъкидладилар.

Йиғилишда қабул қилинган социалистик мажбуриятларда ишлаб чиқариш ҳажми ва саноат маҳсулотларини реализация қилиш юзасидан беш йиллик уч йили планини 25 декабргача бажариш мўлжалланади.

(ЎзТАГ).

ШЎР ЮВИШ ВА ЯХОБ БЕРИШНИНГ БОРИШИ

23 ЯНВАРГА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар, иккинчи устун — бир кунда шўри ювилган майдон; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — бир кунда яхоб берилган майдон, бешинчи устун — мавсум бошидан буён (топшириққа нисбатан процент ҳисобида).

Тошкент	—	100,0	0,2	98,8
Андижон	1,2	98,9	—	83,8
Жиззах	2,3	97,6	0,8	53,9
Наманган	0,4	79,4	0,1	42,5
Сирдарё	1,2	74,8	—	71,1
Сурхондарё	—	72,7	—	83,6
ҚҚАССР	—	51,7	—	—
Бухоро	1,6	47,4	—	—
Самарқанд	1,0	44,0	—	29,3
Фарғона	0,6	39,3	0,1	43,6
Қашқадарё	1,6	31,4	—	14,9
Хоразм	0,4	30,5	—	—
Республика бўйича:	0,7	46,9	0,1	51,2

ЧОРВАДОРЛАР ЮТУҒИ

Пастдарғом хўжаликлараро чорвачилик комплексининг меҳнатчилари қора молларни сўқимга боқишда юксак кўрсаткичларга эришдилар — квартал плани муддатидан илгари бажарилди. Гўштга топширилган ҳар бир қора молнинг вазни 420 килограммга етди.

Молларни боқиб семиртириш замонавий методлари жорий этилганлиги туфайли шундай натижаларга эришилди. Бу ерда атиги уч оператор механизмлар ёрдамида ҳар минг бош қорамолни парвариш қилмоқда. Махсус тузилган рацион молларни жуда тез семиртириш имконини беради. Чунончи, новвослар сўқимга боқишнинг охирги босқичида ҳар кеча-кундузда бир килограммдан семиради.

Ҳозирги вақтда комплексда 8 минг бош қора мол парвариш қилинмоқда Чорвадорлар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубига жавобан комплекснинг иккинчи навбатини муддатидан илгари ишга туширишга қарор қилдилар.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ХАТ ИЗИДАН

НАФСОНИЯТ УСТУН КЕЛГАНДА

Бу воқеани тушуниш осон бўлсин учун ақалли унинг дастлабки сабаблари ҳақида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Йигим-терим бошларида Олтариқ район партия комитетининг секретари М. Султонов «Комсомол» колхозига келди. Бекор турган пахта териш машинасини кўриб, унинг жаҳли чиқиб кетди:

— Нега бекор турибди?

— Пахта пишиб етилгани йўқ, — жавоб берди механизатор.

— Агрегат ҳозироқ юргизилсин...

Комбайн ишга тушди. Аммо бункер деярли бўмбўш эди. Ҳаракат зое кетди. Механизатор ишни тўхтатди.

Кўп ўтмай гўза барги тўкилио, иш бировларнинг йўлйўриқ бериши ва қистовисиз ҳам юришиб кетди. «Комсомол» колхози йигим-теримда бошқалардан олдинда борди. Бу ерда М. Султоновнинг ноўрин ва беҳуда буйруғини унутиб ҳам юборишган эди. Ахир, ишда нималар бўлмайди дейсиз. Аммо секретарь яна ўзини эслатиб қўйди. Кувларнинг бирида у бу ерда шудгор қилинаётганини кўриб қолиб, ер ҳайдашни тўхтатиш ҳақида шахсан буйруқ берди. Шошилинч райком бюроси чақирилди. Раисия, колхоз бригадирларини графикни бузишда айблашди. Ҳамма пахта теримида бўлса-ю, сизлар... Шуни айтиш керакки, ўшанда бу коллектив областда биринчи бўлиб давлатга пахта сотиш планини ва социалистик мажбуриятларини ошириб бажариб қўйган эди. Пайкалларнинг айрим жойларидагина битта-яримта пишмаган кўсак қолганди.

Бироқ, бу муваффақиятлар билан Султоновнинг неча пуллик иши бор? Ер ҳайдашга «буйруқ»сиз киришилгани унинг учун асосий баҳона эди. Раҳбарлик методи нақадар яроқсиз, аллақачонлар қораланган бўлиб, бизнинг кунларимизда уни ҳеч ким тан олмаслиги мумкиндек туюлган эди. Лекин бу ерда фақат баҳслашишмади. Бюро мажлисида райком секретари ўзини қўпол тутди. Колхоз раиси Ғ. Ҳидиров ўзини оқлаш учун гапирмоқчи бўлганида Султонов унга зални ташлаб чиқиб кетишни буюрди. Ғ. Ҳидиров КПСС сафидан ўчирилиб, уни вазифасидан олиб ташлаш колхозчиларга тавсия этилди.

«Комсомол» колхози раҳбарлари билан райком секретари ўртасидаги можаро шу тариқа энг юқори чўққисига чиқди. Бу низо бундан икки йил илгари вужудга келган эди. Ўшанда М. Султонов ерни текислаш, яхоб бериш ишларини тўхтатиб қўйишни буюрди. Гўё бу иш қимматга тушармиш. Мутахассислар ўз сўзларида туриб олишди. Экинзорлар бир текис эмас, ерларни шўр босган деб айтишди. М. Султонов айтгандек иш тутган бошқа хўжаликларда ҳосилдорлик «Комсомол» колхозига нисбатан паст, таннарх эса анча юқори бўлди: чигит қийғос униб чиқмаганидан кейин қайта экишга тўғри келган эди.

Ана ўшандан буён бу қишлоқнинг «ўжар» кишилари секретарга ёқмай қолди. Ниҳоят, у қасд олиш усулини топди. Номи коллективнинг кўпгина муваффақиятлари билан боғланган раис қаттиқ жазога тортилди. Колхоз коммунистлари ҳайрон қолишиб, қарорни қайта кўриб чиқишни илтимос қилиб, райкомга келишди. Аммо қарор қайта кўриб чиқилмади. Райкомнинг навбатдаги пленумида М. Султонов барибир «Комсомол» колхозининг ютуқларини тан олган бўлса-да, лекин бу кимнинг хизмати эканлигини айтмади. У ҳатто райком аъзоси Ғ. Ҳидиров бюро қарори билан КПСС сафидан ўчирилганлигини Устав нормаларига биноан йиғилганларга маълум ҳам қилмади.

Бу пайтда собиқ раис Ўзбекистон Компартияси Фарғона область комитетига шикоят билан мурожаат қилди. Колхоз партия комитети шахсий иши учун Ғ. Ҳидировга характеристика тақдим этди. Табиийки, характеристика ижобий ёзилган эди. М. Султонов уни бошдан-оёқ яроқсизга чиқариб райкомнинг бўлим мудири А. Содиқовга қайта ёзишни топширди. Обдон «таҳрир қилинган» характеристикада Ҳидиров интизомсиз партия аъзоси, ёмон раҳбар қилиб кўрсатилган эди.

Ҳужжат деб айтиш жоиз бўлса, шу характеристика Ғ. Ҳидиров тақдирида ҳал қилувчи роль ўйнади. Обкомнинг бюро мажлисида унинг аризасини кўриб чиқишаётганида энди гап адолат ҳақида, жазонинг асоссиз эканлиги тўғрисида эмас, балки колхоз собиқ раҳбарини ишга жойлаштириш устида борди. Унга «Комсомол» колхозида бригадирлик лавозимини таклиф этишди. Аммо райком секретари «инжиқлиқ» қилди: қайсар кишининг ўз коллективида қолишини истамади. Ҳидировни «Пахтакор» совхозининг бўлим бошқарувчиси лавозимига раво кўришди. Унинг партиявий масаласи очиқ қолди.

Фақат «Совет Ўзбекистони» газетаси мақола билан чиққандан кейин обком Олтариқ райкоми бюросининг қарорини бекор қилди. Колхозчиларнинг умумий йиғилишида Ғ. Ҳидиров ўзининг олдинги лавозимига тикланган эди. КПСС Уставини бузганлиги, ўша мажлисда ўзини нотўғри тутгани учун М. Султоновга виговор эълон қилинди.

Адолат тантана қилди дейиш мумкин эди. Аммо узил-кесил фикр айтишга ҳали вақт эрта. Обком қарорида гап шундай юритиладики, гўё тасодифий, ачинарли можаро бўлгандай. Олтариқ райкомининг, унинг биринчи секретарининг фаолиятига принципиал баҳо берилмаган. Тўғри, М. Султонов «баъзан» кадрлар танлаш ва жой-жойига қўйишда, хўжалик сиёсий вазифаларини ҳал этишда шошма-шошарликка йўл қўйиши таъкидланган.

Баъзанмикан?

Фактларга мурожаат қилайлик. Яқин-яқинларгача Олтариқ хўжаликларининг экинзорлари гектаридан 35—40 центнердан пахта ҳосили берарди. Фарғона водийсининг барча деҳқонлари тажриба ўргангани бу ерга келишарди. Эндиликда бўлса маҳсулдорликнинг ўсиши қиялаб пастга тушиб кетди. 1976 йилда бу ерда ҳар гектар ердан 24.6 центнердан, 1977 йилда 28.5 центнердан ҳосил кўтарилди. Ҳолбуки республикада ўртача ҳосилдорлик 31,6 центнерни ташкил этди.

Хўш, Олтариқда нима бўлди? Райком оюроси кадрлар танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашнинг ленинча принципларини қўпол равишда бузаётганини одамлар айтишмоқда. Кўпинча ходимларни уларнинг ишчанлик ва сиёсий жиҳатларига қараб эмас, балки ошна-оғайнигарчилик, таниш-билишликка қараб кўтармоқдалар. Районда Абдалиева деган кимсанинг қилмишлари кўпчиликка маълум. Нотўғри ҳулқ-атвори учун у партиядан ўчирилиб, давлат мулкини ўғирлагани учун жазосини олиб қайтди. Аммо кимнингдир қўли уни яна ҳурмат шохсупасига кўтариб қўйди. У колхоз раислигига сайланди. Абдалиева ўрганган кўнгил ўртанса қўймас қабилида ўз фаолиятини бошлаб юборди. У ҳамтоваклари билан биргаликда 120 минг сўмдан кўпроқ пулни ўзлаштириб юборди. Маҳсулот тайёрлаш планларининг мунтазам бажарилмаслиги билан ҳам колхозга зарар етказилди. Бу якка-ёлғиз ҳодиса эмас.

Ўз вақтида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Пленумида мана шундай факт ва ҳодисаларга қатъий баҳо берилган эди. Жумладан, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишдаги нотўғри ишлари учун Олтариқ район партия комитети жиддий танқид қилинган эди. Республика Компартияси Марказий Комитети районнинг хўжалик фаолиятидаги камчиликларни ҳам кўрсатиб ўтганди. Ўша Пленумда чорвачилик орқада қолаётганлиги, алмашлаб экиш бузилаётгани ҳақида алоҳида гапирилган эди.

Камчиликларни тузатиш учун нималар қилинди? Алмашлаб экиш кўп ҳолларда аввалгидек қоғозда қолиб кетмоқда, мустаҳкам озуқа базасини яратиш тўғрисида тегишли гамхўрлик кўрсатилмаяпти. Чорвачиликнинг аҳволи ҳозир ҳам жуда ачинарли. Яроқсиз раҳбарлик методининг оқибатлари ана шундай. Райком хўжаликлар экономикасини, бошланғич ташкилотлар, меҳнат коллективлари ҳаётини чуқур, мунтазам ўрганиш, уларга кўн сайин конкрет, амалий ёрдам бериш ўрнига штурмбозлик билан шуғулланмоқда. Қолоқларнинг «адаб чўпини бериш», маъмуриятчилик қилиш билан шуғулланмоқда.

«Комсомол» колхози раиси билан бўлган ишга обкомнинг берган баҳосидан М. Султонов ўзига қатъий, танқидий муносабатда бўлади, ишда ўзига ёққан ёки ёқмаган одамларга муносабати билан эмас, балки ишнинг манфаатига қараб йўл тутиши, партия органлари раҳбарларига хос методларга амал қилишини кутиш мантиқан тўғри келарди. Аммо бундай бўлмади. Султоновга тик қарамаган, унга хушомад қилган одамларнинг ёмон ишларини ҳам кечиради, шахсий мақсадларида қоникмаятни суиистеъмол қилишни ҳам кечиради.

«Комсомол» колхозининг бир гуруҳ колхозчилари «Правда»га ёзишганидек, ҳозир райком секретари ўзини хафа бўлган одамдек тутиб бу қишлоқ коммунистлари билан учрашишдан қочиб юрибди. Аммо у «хафа»лиги учун қандай ўч олишни унутмаяпти. Унинг топшириғи билан бир неча ойдан буён бу ерда ревизорлар бўлиб, правление ва унинг раисининг хўжалик, молиявий фаолиятининг бузилишини қидиришди. Бирбир шунда ҳам хатолар топилмади.

Ҳа, у танқидий мулоҳазалар учун ҳеч кимни кечирмайди. Мана яна бир мисол. Район молия бўлимининг мудири Р. Мухторов актив йиғилишларидан бирида район партия ташкилоти кадрларни тарбиялаш билан яхши шуғулланмаяпти, ҳуқуқ-тартиботни бузувчиларга қарши етарли актив курашмаяпти, деб айтди. М. Султонов «дадил» нотиқни дарҳол тергаб, «тилингни тайиб юр» деб маслаҳат берди. Яқинда Р. Мухторов яна «айб иш» қилиб қўйди: район газетасида танқидий мақола билан чиқди. У яна «суҳбат»га чақирилди.

Маҳаллий газета журналистларига ҳам таъсир кўрсатилди. Шу мақола муносабати билан, шунингдек, М. Горький номли колхозда чорвачилик оқсаётгани ҳақидаги материал, халқ мулкини талон-торож этаётганлар тўғрисидаги фельетон учун газета редактори Т. Азизов қаттиқ гап эшитди. Уни райкомнинг йўлига қарши чиқаяпсан деб айблашди. Бундан буён бюронинг ихтиёрисиз қаттиқ танқидий материалларни босмаслик ҳақида кўрсатма беришди.

М. Султоновнинг ўзи ўз ҳатти-ҳаракатини интизомни мустаҳкамлаш, кадрларга талабчанликни ошириш ҳақида гамхўрлик қиляпман деб тушунтиради. Нима ҳам дердик. Интилиши яхши. Фақат талабчанликни тиниқ орасидан кир қидириш, инжиқлик, манманлик билан ҳалаштирмаслик керак. Ҳар бир партия комитети фаолиятида, муваффақиятга эришишнинг энг муҳим шартларидан бири — одамларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, уларнинг маслаҳатларига, тавсияларига қулоқ сола билиш, хўжалик, тарбиявий масалаларни ҳал этишда билими, тажрибасидан кенг фойдаланиш, танқидни тўғри қабул қилиш ва уни партиявий ҳал этишдан иборат.

— Олтариқдаги носоғлом вазиятдан жиддий ташвишланмоқдамиз. Бу партия комитети билан батафсил шуғулланишни ўйлаб турибмиз, — дейди Фарғона область партия комитетининг иккинчи секретари В. Есин.

Ният яхши нарса. Аммо ачинарли аҳвол юз берганига анча бўлди, касаллик чўзилиб кетди. Шу нарсани эслатиб ўтиш ўринли бўларди: бундан бир неча йил муқаддам ишдаги қўпол хатолар учун М. Султоновнинг ўтмишдоши биринчи секретарлик лавозимидан олиб ташланган эди. Кўриб турибмизки, аҳвол ўзгаргани йўқ.

Бу ҳақда фикр юритганда фақат иқтисодий кўрсаткичларга, юқорида келтирилган фактларгагина асосланмаймиз. Олтариқ коммунистлари ва партиясиз меҳнаткашлари М. Султоновнинг танқидни бўғиши ва ўзбилармонлиги ҳақида, номуносиб виждонсиз кишиларни қўллаб-қувватлаётгани ҳақида обкомга бир неча марта маълум қилишди. Аммо номаълум сабабларга кўра обкомдаги ўртоқлар бу сигналларни текширишга шошилмаяптилар, бунинг устига юқори ташкилотларга мурожаат этаётганларни қатъий огоҳлантирмоқдалар.

М. Султоновга очиқ-ойдин ён босаётган раҳбарлар ҳам бор. Шуни эслатиб ўтиш ўринлики, коммунист Ғ. Ҳидировнинг шахсий иши «кўрилган» райкомнинг ўша бюро мажлисида область партия комитетининг бюро аъзоси, облиҳроком раиси Ҳ. Умаров қатнашган эди. Пўқ, у партия демократиясининг қўпол бузилганлигини пайқамади, секретарнинг ўзини қўпол, ножўя ҳатти-ҳаракат қилаётганлигини унга айтмади. Аксинча, Умаров секретарнинг ҳатти-ҳаракатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлади. М. Султонов ўзбилармонлигининг, ҳамма нарсани қилаверишим мумкин деб ўзига ишонганлигининг боиси шундан эмасмикан?

Й. МУҚИМОВ,

(«Правда» мухбири).
Фарғона области,
Ўзбекистон ССР.

(«Правда» 1978 йил 23 январь).

РАСМИЙ ВИЗИТ БИЛАН

СССР Олий Советининг таклифига биноан ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВХР Давлат мажлисининг Раиси Антал Апро бошчилигидаги Венгрия Халқ Республикаси Давлат мажлиси делегацияси 23 январь куни расмий дўстона визит билан Москвага келди.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Н. М. Матчонов, бошқа расмий кишилар делегацияни кутиб олдилар.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика уруғлик контрол органларида кўп йиллар, самарали ишлаганлиги ва мамлакатда шу хизматнинг ташкил этилганлигига 100 йил тўлиши муносабати билан Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги системасидаги республика уруғлик контрол ходимларидан бир группасини Узбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

* * *

Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада уруғликни контрол қилишни ташкил этиш борасида кўп йиллар самарали ишлаганлиги, ютуқларга эришганлиги учун ва мамлакатда шу хизмат ташкил этилганлигининг 100 йиллиги муносабати билан қуйидагиларга «Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими» фахрий унвони берди:

Ботиров Худойберган — Хоразм область Хонқа районлараро давлат уруғлик инспекцияси бошлиғи.

Варсанкина Елена Ивановна — Марказий контрол-уруғлик пахта станциясининг бош агрономи — директор ўринбосари.

Евдокиенко Мария Макаровна — Андижон область давлат уруғлик инспекциясининг катта агрономи.

Прилукова Мария Николаевна — Сурхондарё область Термиз уруғлик пахта лабораториясининг мудири.

Семидаев Юрий Павлович — Самарқанд область Каттақўрғон район давлат уруғлик инспекциясининг бошлиғи.

Оламда нима гап

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ АҚШДА

ВАШИНГТОН, 23 январь. (ТАСС). СССР Олий Совети Миллатлар Совети ташқи ишлар комиссиясининг раиси КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети секретари Б. Н. Пономарев бошчилигидаги СССР Олий Советининг делегацияси АҚШ конгрессининг таклифига биноан расмий визит билан бу ерга келди.

Делегация СССР Олий Советининг депутатлари Г. А. Арбатов, В. И. Довбиш, Г. А. Жуков, Л. М. Замятин, Н. Н. Иноземцев, З. П. Пухова, Б. И. Стукалин, А. Б. Чаковский, Л. Б. Шапиролардан иборат.

Аэродромда делегацияни сенатда кўпчилик демократлар бошлиғининг ўринбосари сенатор А. Крэнстон, вакиллар палатасидаги кўпчилик демократлар бошлиғининг ўринбосари Ж. Брадемас ва бошқа расмий кишилар, шунингдек СССРнинг АҚШдаги элчиси А. Ф. Добринин кутиб олдилар.

СССРНИНГ ЁРДАМИ БИЛАН

ЖАЗОИР (ТАСС). Социализм қуриш йўлига ўтган Жазоир учун миллий кадрлар тайёрлаш энг муҳим проблемалардан биридир. Мамлакатнинг доимо кенгайиб бораётган индустриал базаси ва ишлаб чиқаришнинг замонавий технологияси малакали кадрларни тобора кўплаб талаб қилмоқда ЖХДРда касб эгаларини тайёрловчи миллий маслаҳат комиссияси тузилди. Бу комиссиянинг асосий вазифаси — мамлакатда касб ўргатиш системасини такомиллаштириш ва кенгайтиришдан иборат.

Меҳнат ва касб эгаларини тайёрлаш министри М. Амир ўтказилаётган тадбирларнинг муҳимлигини таъкидлаб, давлат миллий кадрлар тайёрлаш проблемасига катта эътибор бермоқда деди. Яқин вақт ичида мамлакатда касб ўргатадиган 94 та марказ ишга тушади.

Совет Иттифоқи ёш республика хўжалигининг турли тармоқлари учун катта ёрдам бермоқда. Касб эгаларини тайёрловчи марказда 280 нафар совет мутахассиси ишлаб турибди. Жазоир ёшларининг катта отряди мамлакатимизнинг турли институтларида таълим олмоқда.

АНЪАНАЛАРГА САДОҚАТ

СССР Қуролли Кучларининг 60 йиллиги шарафига бутун мамлакатимиздагидек республикамизда ҳам оммавий мудофаа ишлари ойлиги бошланди. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш кўрсатма бўлишга қаратилган бу ойлик яқинда Тошкент округ офицерлар уйида тантанали йиғилиш билан бошланди.

Ойлик программаси қизиқарли ва турли-тумандир. Корхоналарда, колхоз ва совхозларда, ўқув юртларида «Жасорат дарслари» ўтказилади. Бу дарсларга гражданлар ва Улуғ Ватан урушн ветеранлари келадилар. Шаҳар ва қишлоқларда запасдаги жангчилар слёти, ҳарбий-техника спорти бўйича мусобақалар ўтказилади. Йигит ва қизлар революцион ва жангговар шуҳрат жойларига юриш ўтказадилар, музейларга экскурсия қиладилар. Мактаб ўқувчиларининг тантанали йиғилишлари бўлиб ўтади, моделчилар кўргазмада ўз ишларини намойиш қиладилар. Ёш жангчилар «Орлёнок» ҳарбий спорт ўйинларида, «Қаҳрамонлар йўлидан» операциясида иштирок этадилар.

(ЎзТАГ).

ХАНОЙГА БОРА ТУРИБ

ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВХР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, ВХР Госплани Раиси Иштван Хусар бошчилигида Вьетнам Социалистик Республикасига бораётган Венгрия Халқ Республикасининг делегацияси Тошкентда тўхтаб ўтди.

Аэропортда делегацияни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Т. Н. Осетров, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Ш. Ш. Ҳамраев, Ўзбекистон ССР Госплани раиси Қ. А. Аҳмедов, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

22 январь куни делегация Тошкентдан Ханойга жўнаб кетди.

(ЎзТАГ).

БИРДАМЛИК КУНИ

● **БАҒДОД**

Ироқ тараққийпарвар миллий ватанпарварлар фронтининг бош секретари Н. Ҳаддад Миср халқи билан бирдамлик юзасидан бу ерда ўтказилган оммавий митингда сўзлаган нутқида бундай деди: ўтган йил январь ойида Мисрда рўй берган воқеалар ҳукмрон доираларнинг «очиқ эшиклар» сиёсатини меҳнаткашлар оммаси кенг кўламда қўллаб-қувватламоқда ва бу сиёсат мамлакатнинг иқтисодий қийинчиликларини бартараф қила олади, деган ўйдирмаларини фош қилиб ташлади.

Кўп минг кишилик намойиш қатнашчилари Яқин Шарқда империалистлар ва реакционерлар режаларини амалга ошираётган президент Садатнинг ҳозирги сиёсий йўлини кескин қораладилар. Улар Миср халқи ва унинг миллий-ватанпарвар кучлари озодлик учун, арабларнинг тараққийпарвар миллий озодлик ҳаракати билан бирлашиш учун курашни давом эттирадилар, деб ишонч билдирдилар.

● **ДАМАШҚ**

Араб Социалистик уйғониш партияси маҳаллий раҳбарлигининг аъзоси Ю. ал-Асад Миср халқи билан бирдамлик митингида сўзлаган нутқида қуйидагиларни айтди: Миср президенти Садат 1952 йил 23 июль революцияси принципларига ва Ж. А. Носир раҳбарлигида халқ қўлга киритган бошқа ғалабаларга хиёнат қилди.

Сиёсий партиялар, касаба союз ва жамоат ташкилотларининг митингда қатнашган вакиллари Миср халқининг мамлакат ҳозирги раҳбарлиги сиёсатига қарши олиб бораётган курашини тамомила қўллаб-қувватлаётганликларини билдирдилар.

● **ЖАЗОИР**

Жазоирда чиқадиган «Аш-шаоб» газетаси Мисрдаги январь воқеаларининг йиллиги туфайли Миср халқи билан бирдамлик кунига бағишланган мақоласида шундай деб ёзади: президент Садат Мисрни империализм ва сионизм қучоғига ташламоқда, унинг «очиқ эшиклар» сиёсати эса Миср экономикасини ҳалокат ёқасига келтириб қўйди. Бу сиёсатнинг оғир оқибатлари мамлакатда яшовчи меҳнаткашлар оммасининг аҳволини ғоят мушкуллаштириб юборди.

Миср раҳбарлари ўтказиб келаётган таслимчилик сиёсати империализм ва халқаро сионизмнинг шу районда миллий озодлик ҳаракатини бостиришга қаратилган режаларига тамомила мос бўлиб тушади. Араб мамлакатларининг жипслигини ва мустақил бўлиш ҳуқуқини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган халқлар билан бирдамликни мустаҳкамлаш, деб таъкидлайди газета, ана шу режаларга қарши курашнинг бирдан-бир тўғри усулидир.

(ТАСС).

Германия Федератив Республикасининг тараққийпарвар жамоатчилиги мамлакатда инсон ҳуқуқининг бузилишига қарши норозилик билдирмоқда.

Суратда: Мюнхенда ўтказилган норозилик намойишининг қатнашчилари.

ТАСС фотохроникаси.

ПЕКИННИНГ ИҒВОГАРЛИК МАҚСАДИДАГИ ДАЪВАТЛАРИ

ПЕКИН. Франция Бош министри Р. Барр визит билан ХХРга келганлиги муносабати билан бу ерда қабул маросими ўтказилди. ХХР Давлат кенгаши раисининг ўринбосари Дэн Сяо пин қабул вақтида нутқ сўзлади. У ўз нутқида маочиларнинг «янги жаҳон уруши муқаррарлиги» тўғрисидаги маълум концепциясига мувофиқ, жаҳондаги аҳволни ва жумладан Европа қитъасидаги аҳволни тамомила бузиб тасвирлади. У ҳозирги Хитой раҳбарларининг халқаро кескинликни юмшатишга қарши қаратилган сиёсатига мос равишда гапириб, «Европада уруш хавфи кучайиб бораяпти» деб даъво қилди. Ғарбий Европа давлатларини қуролланиш пойгасини жадаллаштириш ва НАТО ҳарбий блокининг потенциалини оширишга даъват этди. Дэн Сяо пин иғвогарлик мақсадларини кўзда тутган ана шу даъватларни асослашга уриниб, «Совет Иттифоқи Ғарбий Европа мамлакатларига хавф солмоқда» деган сафсаталарни рўкач қилди ва СССРга қарши «бирлик фронти»ни вужудга келтиришга ундади. Хитой раҳбарларидан бирининг Советларга қарши қаратилган ўтакетган бемаъни уйдирмалари Пекин СССРга нисбатан душманликдан иборат сиёсий йўлни ўтказиб келаётганлигини исбот қилувчи янги далилдир.

Р. Барр ўзининг жавоб нутқида Франция ҳукумати халқаро кескинликни юмшатиш тарафдоридир ва қуролсизланиш масаласини ғоят муҳим вазифа, деб ҳисоблайди деди. Франция, деди бош министр халқаро кескинликни юмшатиш ишига қўшадиган ҳиссасини камайтириш ниятида эмас. (ТАСС).

МУҲИМ ВОҚЕАЛАР

ПОРАХЎР АМАЛДОРЛАР...

РИМ. «Ҳар қандай гумонсирашлардан четда» турган полициянинг катта амалдорлари, керхона эгалари ва бир руҳонийни полиция қамққа олди.

Қамоққа олинганлар орасида жиноят полицияси бошлиғининг собиқ ўринбосари Милан Бенефорти, ички ишлар министрлигининг олий лавозимли амалдори Сампаоли, руҳоний Тадин, Савона шаҳридан кема эгаси ва бошқа кишилар бор.

ЖОСУС УСТИДАН ҲУКМ

ВАРШАВА. Гдинадаги ҳарбий денгиз флоти суди жосуслиқда айбланган Ғарбий Германия гражданин М. Розенбург (Вуйцик) ишини кўриб бўлди, деб хабар беради ПАП агентлиги. Судланувчи ПХРнинг манфаатлари ҳамда хавфсизлигига зарар етказадиган ахборотни чет элга бериб турганлиги, Польша савдо флоти денгизчиларини жосуслик фаолиятига жалб этишга урингганлиги аниқланди.

Суд М. Розенбург (Вуйцик)ни 7 йилга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилди.

КАМПУЧИЯНИНГ СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДА «НЯН ЗАН» ГАЗЕТАСИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

ХАНОЙ. (ТАСС). «Нян зан» газетасининг яқинда чиққан бош мақоласида бундай дейилади: Вьетнам билан Кампучия ўртасидаги чегарада рўй бераётган воқеалар тўғрисидаги ҳақиқат нимадан иборат ва бундай аҳвол учун ким жавобгар? Бу масалалар диққат-эътиборни ўзига жалб этмоқда ва бутун жаҳонда эзгу ниятдаги кишиларни ташвишлантирмоқда. Вьетнам Социалистик Республикаси ҳукуматининг баёнотида ва Бош министр Фам Ван Донгнинг суҳбатида бу саволларга аниқ жавоб берилди. Ҳақиқат шундан иборатки, деб ёзади газета, Кампучия халқи ғалаба қозониши биланоқ, Пномпень маъмурлари Вьетнам халқига қарши жиноят қилиб, миллий адоватни авж олдира бошладилар. Кампучия маъмурларининг оғир жинояти шундан иборатки, улар ахлоқ-одобнинг ҳамма қонун ва қоидаларини поймол этмоқдалар. Улар Кампучия халқи умумий душманимизга қарши курашда фойдаланган қуролни ҳозир Кампучиянинг жанговар дўстлари бўлмиш вьетнамликларга қарши ишлатмоқдалар. Вьетнамликлар қон тўкиб Кампучия халқининг ғалабасига ҳисса қўшган эди.

Пномпень раҳбарлари ўтмишда ўз мамлакатида яшай олмаган бир пайтда курашни давом эттириш учун кимларга таянган эди, бир донагина гуручни улар билан бирга кимлар баҳам кўрган эди? Улар эндиликда ўз ёшларини ўрта аср жаллодларига айлантириб, нималарга эришмоқчи бўладилар? Бизнинг ҳукуматимиз чегара масалаларини тинч ҳал қилиш юзасидан музокаралар олиб боришни таклиф этган эди. Уларнинг икки йилдан кўпроқ вақтдан буён музокара олиб боришдан қатъиян воз кечиб келаётганлигини нима билан изоҳлаш мумкин?

Биз, деб таъкидлаб ўтилади мақолада, сабр-тоқат билан иш кўриб келдик, лекин ҳар қандай сабр-тоқатнинг ҳам чегараси бор. Биз Кампучиядаги реакцион маъмурларнинг сабр-тоқатимизни заифлик аломати деб ҳисоблаб, жавоб тариқасида зарба бермайдилар, деган хом хаёл билан ўзларини юпатишларига йўл қўймаймиз.

«Нян зан» газетаси Пномпенининг Кампучия қўлга киритган «ғалабалар» ҳақида ва «Вьетнам экспансиячи армиясининг мағлубиятлари» тўғрисида шовқин-сурон кўтариб олиб бораётган кампанияси асоссиз эканлигини фош қилиб яна қўйидагиларни ёзади: Кампучия маъмурлари мақтанчоқликдан иборат гапларни тарқатиш билан бирга Вьетнамнинг территориал бутунлигини бузиш учун муттасил ўз қўшинларидан фойдаланмоқдалар, уларни янги жиноятларга отлантирмоқдалар. Кампучия маъмурлари шафқатсиз уруш ҳаракатлари билан ўз мамлакатида ҳам, халқаро майдонда ҳам ўзларини яккалаб қўймоқдалар.

Биз чегара масалаларини қардошларча дўстлик руҳида тинч ҳал этиш йўлига оғишмай амал қилиб келмоқдамиз, дейилади мақолада. Биз француз мустамлакачиларига қарши, Америка империалистларига қарши қарийб бир аср мобайнида олиб борилган курашнинг асосий машқаватларига барбод бердик, уларнинг Хинди-Хитой ярим оролини янги мустамлакага айлантириш ниятларини барбод этдик. Уч мамлакат — Вьетнам, Кампучия ва Лаос озод бўлганидан кейин вьетнамликлар ҳуқуқий жиҳатдан тўла тенглик, бир-бирини ҳурмат қилиш ва ўзаро ёрдам асосидагина муносабатлар ўрнатишга интилдилар.

Вьетнам халқи ва ҳукумати, деб ёзади «Нян зан» газетаси мақолининг охирида, бирдамликни мустаҳкамлаш, Вьетнам билан Кампучия ўртасидаги чегара масалаларини дўстона ҳал этиш мақсадида музокаралар олиб бориш йўлини ўтказишга қатъий қарор бергандир.

Кампучия раҳбарларининг миллий душманлик ва тухматни авж олдириш, Вьетнам халқига нисбатан зўравонлик қилишга қаратилган ҳозирги йўли муқаррар барбод этилади.

телетайп лентасидан

● **ГАВАНА.** Америка қитъасидаги энг кекса университетлардан бири — Куба пойтахти университети ёшлар ва студентлар XI Жаҳон фестивалининг студентлар маркази деб эълон қилинди. Фестиваль кунларида университетда маданий-оммавий маросимлар ўтказилади, лекция ва конференциялар, турли мамлакатлар студентларининг дўстлик учрашувлари ва бошқа маросимлар ташкил қилинади.

● **СТОКГОЛЬМ.** Швецияда 1977 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа энг зарур товарлар нархи қарийб 17 процент ошди. Мамлакатда сўнгги 26 йил мобайнида нарх-наво бир йил ичида шунча кўп ўсган эмас, деб хабар қилди нархлар ва картеллар устидан назорат қилиш давлат комитети.

● **ДЕҲЛИ.** Бу ерда Ҳиндистонда биринчи марта қуёш нурлари энергияси билан ишлаётган техникавий қурилмалар кўргазмаси очилди. Кўргазмада далаларни суғориш насослари, совутгич ва қуритиш қурилмалари, сув иситиш асбоблари, ошхона печлари ва ўнлаб бошқа аппаратлар намойиш қилинган. Буларнинг ҳаммаси қуёш энергиясидан коммерция мақсадларида фойдаланиш технологиясини ишлаб чиқиш билан шуғулланаётган Ҳиндистондаги 30 та турли илмий ташкилот ва лаборатория мутахассислари томонидан яратилган. Кўргазма қуёш энергиясидан фойдаланишга бағишланиб бу ерда бўлаётган халқаро конгресс доирасида ўтказилмоқда. (ТАСС).

Халқ контроли Саҳифаси

ХАЛҚ КОНТРОЛИ ОРГАНЛАРИГА ПАРТИЯВИЙ РАҲБАРЛИК

НАЗОРАТ КАДРЛАРИ

Коммунистик қурилишнинг барча босқичларида кадрлар билан ишлаш, уларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш партиямизнинг диққат марказида бўлиб келмоқда. КПСС XXV съезди кадрлар билан ишлашнинг назарияси ва практикасига янги муҳим ҳисса қўшди, ҳозирги шароитда партиянинг кадрлар сиёсатини белгилаб берди. КПСС Марказий Комитетининг «Латвия ССРда халқ контроли органларига партия раҳбарлиги тўғрисида»ги қарорида халқ назоратчиларининг сифат составини яхшилаш, уларнинг партия катламини мустаҳкамлаш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Шаҳар партия комитети умумхалқ назоратини амалга ошириш моддий ресурслар ва маблағлардан оқилона фойдаланишни таъминлаш, резерв ва имкониятларни ишга солишнинг муҳим шарти деб ҳисобламоқда. Шу мақсадда халқ контроли органларида ишлаб турган кадрларнинг сифат составини муттасил яхшилаш, жамоатчи активни ўқитиш масалалари билан изчил шуғулланмоқда. Юбилей йилида ўтган партия активи йиғилиши район партия комитетлари, бошланғич ташкилотларга халқ назоратчилари сафини муттасил мустаҳкамлаш, бюро мажлислари, пленумлари, коммунистларнинг йиғилишларида халқ контроли органлари фаолиятини яхшилаш билан боғлиқ актуал масалаларни қараб чиқиш, назорат органларида ишлаб турган коммунистларнинг ҳисоботларини эшитиб бориш, текширишлар натижаси юзасидан таъсирчан чоралар кўришни хўжалик раҳбарларидан талаб қилиш вазифасини юклади. Ҳозирда улар бу соҳада қизғин иш олиб бормоқдалар. Фақат Ленин райони партия комитетлари ва партия бюроларининг мажлисларида 200 дан ортиқ халқ контроли группалари расларининг ҳисоботлари тингланди. Умумхалқ назоратининг таъсирчанлигини ошириш масаласи партия активининг йиғилишида муҳокама қилинди.

Пойтахт саноат корхоналари, ташкилотларидаги 3480 халқ контроли группаси, 2 мингдан ортиқ постда 48 мингдан кўпроқ киши ишламоқда. Халқ назоратчилари орасида 27 мингга яқин коммунист ва комсомоллар, 24 минг ишчи бор. Уларнинг 28 мингдан кўпроғи олий ва ўрта маълумотга эга. Халқ назорати органларида ишлаб чиқариш новаторлари, меҳнат ветеранлари, республика олий Советининг ва маҳаллий Совет депутатлари иш олиб бормоқда. Назоратчилар сафида касаба союз ва комсомол ташкилотлари вакиллари кўпчиликни ташкил этади. Назорат органларининг бу состави масалаларни малакали қараб чиқиш, асосли ва принципиал қарорлар қабул қилишнинг имкон туғдирмоқда.

Самарали ва таъсирчан назоратни йўлга қўйиш кўп жиҳатдан жамоатчи кадрларнинг савиясига боғлиқ. Назорат ишига илғор ишчилар, малакали мутахассислар кенг жалб этиш давлатни бошқаришда меҳнаткашлар иштирокининг демократик формаларидан биридир. Ҳозирги пайтда шаҳар ва район халқ контроли комитетларида 98 штатсиз бўлим ташкил этилган. Бу бўлимларда бир ярим мингга яқин жамоатчи инспектор ишламоқда. Уларнинг 65 проценти коммунистлардир. Жамоатчи бўлим мудирлари партия комитетларининг номенклатурасига киритилганлиги уларда топширилган иш учун масъулиятни кучайтирмоқда. Активларимизнинг тажрибаси, билими, сиёсий етуклиги, ташкилотчилик қобилияти кўп жиҳатдан назорат ишининг муваффақиятини таъминламоқда. Шаҳар ва район халқ контроли комитетлари жамоатчи бўлимларининг мудирлари Ю. Березовская, Ф. Медянкин, Н. Тейх, М. Еникеев, Ю. Гасанов, С. Иванов, М. Фурман, Б. Соковников сингари ўрток-лар ана шундай жонкуяр, ташаббускор кишилардир.

Шаҳар партия ташкилотлари группа ва постларнинг фаолиятини жонлантириш учун умумхалқ назоратини амалга оширишнинг ана шу звеносида ишлаб турган кадрларнинг сифат жиҳатини яхшилашга алоҳида эътибор бермоқдалар. Группа ва постларга принципиал, нуфузли, ишбилармон ўртоқлар сайланишига эришилмоқда. Халқ контроли группалари расларининг 97 процентдан зиёди партия ташкилоти секретарларининг ўринбосарлари, партком ва партбюро аъзоларидир.

Активнинг ишчанлик малакасини, сиёсий ва ташкилотчилик савиясини ошириш ҳамиша партия органларининг эътиборида. Шаҳар марксизм-ленинизм университетида халқ контроли комитетлари аппарат ходимлари ва штатсиз бўлим мудирлари учун доимий ҳаракатдаги семинар ишлаб турибди. Партия, совет, комсомол органлари, республика Халқ контроли комитети ходимлари, Тошкент Олий партия мактаби ўқитувчилари назорат ишини ташкил этиш, унинг самарадорлигини оширишга доир лекциялар билан чиқмоқдалар. Райкомлар ҳузурида халқ контроли активи университетлари, корхона ва ташкилотларда — халқ назоратчилари мактаблари ишлаб турибди. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, электрон-техника заводи, «Подъёмник», Трактор, «Миконд» заводлари, педиатрия институтида назоратчиларнинг ўқуви юксак савияда ташкил этилган.

Шаҳар ва районларда халқ назоратчилари активининг, корхоналар ва ташкилотларда эса халқ назоратчиларининг йиғилишларини ўтказиб туриш, уларда назорат ишини йўлга қўйилишининг актуал масалаларини қараб чиқиш яхши анъана бўлиб қолди. Маҳаллий Советларнинг сессияларида, партия комитетларининг бюро мажлисларида, партия йиғилишларида халқ контроли комитетларининг ҳисоботларини тинглаш ҳам кадрлар масъулиятини оширмоқда. Ана шу ишларнинг ҳаммаси халқ контроли органларининг янада мустаҳкамланишига, уларда назорат ишини йўлга қўйилишининг яхшиланишига, назоратни амалга ошириш жараёни янгиянги тажрибалар билан бойитилишига хизмат қилмоқда. Натижада назорат ишининг мазмуни беқиёс чуқурлашиб бормоқда, самарадорлиги ошмоқда.

Партия органлари халқ контролини ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш, ишлаб чиқариш кўрсаткичларини муттасил яхшилаб боришда ўзларининг фаол ёрдамчилари деб билмоқдалар. Шу боисдан ҳар бир текшириш натижалари қунт билан қараб чиқилмоқда, назоратчиларнинг таклиф ва мулоҳазалари қўллаб-қувватланмоқда. Партия ташкилотлари назоратчиларга ишнинг асосий йўналишларини белгилаб олишда амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. Сўнгги бир йилдагина партия ва совет органлари текшириш материаллари бўйича 75 масалани қараб чиқдилар ва камчиликларни бартараф этиш тадбирларини белгиладилар.

Шу билан бирга халқ контроли органлари ишида ҳали баъзи нуқсонлар тўла бартараф этилган деб бўлмайди. Табийки, бу уларнинг фаолиятига партия раҳбарлиги етарли даражада йўлга қўйилмаганлигининг оқибатидир. Ҳали барча партия ташкилотлари ҳам меҳнат коллективларида юксак уюшқоқлик ва мустаҳкам интизомга эришиш учун қурашда муросасизлик вазиятини вужудга келтира олганлари йўқ. Халқ контроли органларини ишчан, ташаббускор, принципиал ходимлар билан мустаҳкамлаш тўғрисида ҳамма ерда ҳам бирдек ғамхўрлик кўрсатилмаётир. Бир қатор группа ва постларнинг партия ва комсомол қатлами ҳануз кам, Айрим партком ва партия бюролари халқ назоратчиларининг малакасини ошириш, уларнинг ҳуқуқий ва юридик билимларини такомиллаштириш борасида сust иш олиб бормоқдалар, улар назоратчиларга ҳамиша ҳам зарур методик ва амалий ёрдам кўрсатавермайдилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлер Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «1978 йил планини тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, ишлаб чиқариш кўрсаткичларини муттасил яхшилаб боришда ўзларининг фаол ёрдамчилари деб билмоқдалар. Шу боисдан ҳар бир текшириш натижалари қунт билан қараб чиқилмоқда, назоратчиларнинг таклиф ва мулоҳазалари қўллаб-қувватланмоқда. Партия ташкилотлари назоратчиларга ишнинг асосий йўналишларини белгилаб олишда амалий ёрдам кўрсатмоқдалар. Сўнгги бир йилдагина партия ва совет органлари текшириш материаллари бўйича 75 масалани қараб чиқдилар ва камчиликларни бартараф этиш тадбирларини белгиладилар.

Шу билан бирга халқ контроли органлари ишида ҳали баъзи нуқсонлар тўла бартараф этилган деб бўлмайди. Табийки, бу уларнинг фаолиятига партия раҳбарлиги етарли даражада йўлга қўйилмаганлигининг оқибатидир. Ҳали барча партия ташкилотлари ҳам меҳнат коллективларида юксак уюшқоқлик ва мустаҳкам интизомга эришиш учун қурашда муросасизлик вазиятини вужудга келтира олганлари йўқ. Халқ контроли органларини ишчан, ташаббускор, принципиал ходимлар билан мустаҳкамлаш тўғрисида ҳамма ерда ҳам бирдек ғамхўрлик кўрсатилмаётир. Бир қатор группа ва постларнинг партия ва комсомол қатлами ҳануз кам, Айрим партком ва партия бюролари халқ назоратчиларининг малакасини ошириш, уларнинг ҳуқуқий ва юридик билимларини такомиллаштириш борасида сust иш олиб бормоқдалар, улар назоратчиларга ҳамиша ҳам зарур методик ва амалий ёрдам кўрсатавермайдилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлер Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «1978 йил планини тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун курашни кучайтириш тўғрисидаги Мактубида халқ назоратчилари олдига ўнинчи беш йилликкинг учинчи йили план топшириқларини муваффақиятли бажаришга яқиндан кўмаклашиш вазифаси қўйилди. Бу бутун назорат ишининг савиясига талабчанликни муттасил ошириб боришни тақозо этади. Партия комитетлари халқ контроли органлари изчил, таъсирчан, самарали иш олиб боришлари учун барча шароитларни яратмоқлари даркор. Шундагина резерваларни ишга солиш, асбоб-ускуналардан самарали фойдаланиш, янги қувватларни ишга туширишдан, меҳнат, план ва технология интизоми бузилишларининг ҳар қандай кўринишларига барҳам бериш учун курашда улар партия ташкилотларининг жанговар ёрдамчисига айланадилар.

К. ДУДИН,
Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари.

Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси халқ назоратчилари мақсулот сифатини янада яхшилаш, тежамкорлик ва иқтисод учун курашни авж олдириш борасида самарали иш олиб бормоқдалар. Суратда: халқ контроли группаси аъзолари (чапдан) Татьяна Макшова, Дина Остапчук ва Мунаввар Орипова ўртоқлар.

И. Глауберзон фотоси.

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетида

ГРУППА ТАЖРИБАСИ МАЪҚУЛЛАНДИ

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги халқ контроли группаси (раиси Г. Соломашченко) партия ва ҳукумат кўрсатмалари, коллегия қарорлари, министр буйруқларининг бажарилишини изчиллик ва қатъият билан назорат қилмоқда, ходимларда топширилган иш учун шахсий масъулиятни кучайтиришда партия ташкилотига бевосита ёрдам кўрсатмоқда. КПСС XXV съезди қарорлари, партия ва ҳукуматнинг иш услуби ва усулларини такомиллаштиришга қаратилган кўрсатмаларидан келиб чиқадиган вазифаларга ҳозиржавоблик группанинг эътиборида турибди. Сўнгги икки йилда министрлик халқ контроли группаси юздан ортиқ текшириш ўтказди. Группа составига малакали мутахассислар, эътиборли кишилардан 110 аъзо сайланган. Улар умумминистрлик, тўрт цех халқ контроли группаси ва 3 постга бирлашган. Бу нарса министрлик аппарати фаолиятининг барча участкаларида самарали назоратни йўлга қўйиш имконини бераётир.

Группа ўз ишини пухта ўйлаб тузилган ярим йиллик планлар асосида олиб боради. Текширишлар учун министрлик фаолиятининг энг муҳим ва актуал масалалари танлаб олинади. Чунончи, меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан берилган топшириқлар бажарилмай қола бошлади. Шунда группа бунинг сабабларини чуқур таҳлил қилиб, бу масалани ўз иш планига киритди. Шу мақсадда группа аъзоси М. Баклан бошчилигида тематик комиссия тузилди. Амалга оширилган ташкилий-техникавий тадбирлар меҳнат унумдорлигини кескин кўтариш имконини берди.

Министрлик халқ контроли группаси назоратчиларни текширишларга кенг жалб этаётир, якунларни қараб чиқишда уларнинг таклиф ва мулоҳазаларини алоҳида ҳисобга олаётир. Меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларини қараб чиқиш масалалари билан мунтазам шуғулланилмоқда. Министрлик бўлимлари ва бошқармаларида бу соҳадаги ишнинг аҳволи вақти-вақти билан текширилиб, унинг якунлари ҳақида партия бюроси йиғилишларида ахборот берилаётир. Натижада сўнгги йилларда министрлик аппаратида бу ишнинг қўйилиши анча яхшиланди.

Группа ўз ишини коллегиалчилик ва кенг ошкоралилик асосида йўлга қўймоқда. Ҳар бир текшириш якунлари бутун коллективга етказилади. Халқ назоратчиларини ўқитишга алоҳида эътибор берилаётир. Бу ерда халқ назоратчилари мактаби ишлаб турибди. Халқ контроли группаси ишининг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалалар ҳамиша партия бюросининг диққат марказида туради.

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги халқ контроли группасининг ишини маъқуллаб қарор қабул қилди.

«ПАРТИЯ, СОВЕТ, ХЎЖАЛИК, КАСАБА СОЮЗ ВА КОМСОМОЛ ТАШКИЛОТЛАРИ, ХАЛҚ КОНТРОЛИ ОРГАНЛАРИ БАРЧА КОРХОНА ВА ҚУРИЛИШЛАРДА, ҲАР БИР ИШ ЖОЙИДА ИҚТИСОД ВА ТЕЖАМКОРЛИК УЧУН КУРАШНИ КУЧАЙТИРИШЛАРИ, ТАННАРХНИ КАМАЙТИРИШ ИШИНИ ЯХШИЛАШЛАРИ КЕРАК... БАРЧА МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДА ХОМ АШЁ, МАТЕРИАЛ ВА ЁҚИЛҒИ-ЭНЕРГЕТИКА РЕСУРСЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ БУТУНИТТИФОҚ ЖАМОАТ ҚУРИГИНИ ЮКСАК ДАРАЖАДА ЎТКАЗИШ ЗАРУР».

(КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактубидан).

ИҚТИСОД—ШИОРИМИЗ

Областимиз саноат корхоналарида, қишлоқ хўжалигида хом ашё, материал ва ёқилғи, энергетика ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланиш учун Бутуниттифоқ жамоат кўриги қизғин давом этмоқда. Областимиз электр таъминотчилари бу умумхалқ ҳаракатида фаол қатнашмоқдалар. Корхоналаримизда йиғирма назоратчи электр қуввати сарфлашни тежаш ишида айниқса активлик кўрсатмоқда. Халқ назоратчилари, мутахассислар, кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокида ўтган йили 2600 дан ортиқ рейд ўтказилди. 8 миллион киловатт-соат электр энергияси тежалди. Электр қувватини исроф қилаётган айрим шахслардан 9 минг сўм жарима ундириб олинди. Бу ишларда Ю. Дигунов, Ҳ. Мажидов, Л. Бердникова сингари назоратчилар айниқса ўрнак кўрсатаётирлар.

Э. ДУБРОВСКАЯ,
Сирдарё область электр тармоқлари халқ контроли группаси бюросининг аъзоси.

РАССОМ ХАНДАСИ

КУНДУЗИ ЧИРОҚ ЁҚИБ

Термиз шаҳар саноат корхоналарининг айримларида ёқилғи-энергетика ресурсларидан тежаб-тергаб фойдаланишга етарли аҳамият берилмаётир. Нон заводи (бош инженери ўртоқ А. Тўрақулов)дагина бир кварталда 13,1 минг киловатт-соат, шаҳар босмахонасида 29,3 минг киловатт-соат ортиқча электр энергияси сарфланган. Текшириш ўтказилган куни қурилиш материаллари комбинатида пайвандлаш аппарати бекор ишлаб турганлиги аниқланди. Пахта тозалаш, ғишт заводларида ҳам кундуз нурлари чироқларни ярақлатиб ёқиб қўйиб ишлаш одат тусига кирган. Натижада ана шу корхоналарнинг маъмурияти кўплаб жарима тўлаётир.

И. МУРОДОВ.

СУДРАЛГАН ҚУРИЛИШ

Шаҳрисабз районидаги Энгельс номли колхозда 900 ўринли клуб қурилиши бошланганига... етти йилдан ошяпти. Клуб қурилишига 357 минг сўм маблағ сарфлаш кўзда тутилган. Лекин колхозлараро қурилиш бошқармаси (бош инженери ўртоқ К. Остонов) қурувчилари ажратилган маблағлардан суст фойдаланмоқдалар. Утган йилнинг ўн бир ойи мобайнида бор-йўғи 40,6 минг сўмлик иш бажарилди. Бу йиллик қурилиш ишлари планининг 51 процентини ташкил этади, холос.

Ленин номли колхозда 90 ўринли болалар боғчаси қурилиши ҳам йилдан йилга судралиб келмоқда. Бу ерда деярли ҳамма ишлар сифатсиз бажарилаётир. Деворлар қингир-қийшиқ қилиб нўтариб қўйилибди. Район хўжаликларида кооператив йўл билан қурилаётган уйларнинг сифати ҳам талабга жавоб бермайди. Энгельс номли колхозда фойдаланишга топширилган ана шундай уйларда газлаштириш, канализация, водопроводлаштириш ишлари бажарилмаган. Қурилиш объектларини лойиҳа-смета ҳужжатлари билан таъминлашда ҳам ўзибўларчилик рўй бераётир.

К. ҚОСИМОВ.

СИФАТГА ПУТУР ЕТКАЗИБ

Риштон керамика заводида ишлаб чиқариш планлари йил сайин бажарилмай қолмоқда. Корхона коллективи ўтган йили 21 хил буюм бўйича планни уддалай олмади. Айни вақтда бу ерда давлат планларида кўзда тутилмаган хилдаги буюмлардан 311 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Умуман, планлаштирилмаган, қимматбаҳо буюмлар чиқариш йўли билан планларни қоплаш тажрибаси бу ерда авж олмоқда. Истеъмолчилар талаби қунт билан ўрганилмаётир. Ҳисоб-китоб ишларини йўлга қўйишда ҳам чалкашликлар йўқ эмас. Технология интизоми бузилаётганлиги туфайли кўплаб сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига йўл қўйилмоқда. Сўнгги 23 ой ичида 75 минг сўмлик маҳсулот брак қилинганлиги фикримизнинг далилидир. Корхонада ишлаб чиқарилаётган ялпи маҳсулотнинг 0,2 процентигина давлат Сифат белгисига эга. Риштон керамика заводи маҳсулотлари харидорларда ҳақли эътироз туғдирмоқда.

П. ШЕРБУТАЕВА.

ЭСКИРГАН... ЯНГИ ТЕХНИКА

«Узсельхозтехника» Чимбой район бирлашмаси ҳар йили янги-янги тракторлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари олади. Улар орасида техниканинг тажриба намуналари ҳам учраб туради. Аммо, қишлоқ хўжалиги учун гоят зарур бўлган ана шу машиналарнинг иши ҳисобга олинмайди. Механизатор кадрлар, айниқса, янги техникани ишлатувчи кадрлар тайёрлаш эътиборсиз четда. Чорва фермаларига монтаж қилинган машиналар ва агрегатларни ишлатувчи кадрлар етишмайди. «Қорақалпоқ» совхозида мутахассис йўқлиги учун янги ўрнатилган озуқа тайёрловчи агрегатлар бир неча ойлаб тўхтаб турибди. Қосим Авезов номли совхозда АВМ-0,65 машинаси деярли бир йилдан буён ўрнатилмаган. «Узсельхозтехника» район бўлимининг янги техника бўйича инженери А. Имашев хўжаликларга келтирилганича ўз ҳолига ташлаб қўйилган, ўрнатилмай, эскираётган машиналарни нима қилмоқчи экан?



П. БУРОНОВ.

А. ҲОЛИҚОВ расмлари.

НАЗОРАТ ПОЧТАСИ

МАШИНАЛАР ҚАРОВСИЗ ҚОЛМАСИН

Сирдарё область қишлоқ хўжалик органлари техника воситаларини сақлашни яхшилашга қаратилган бир қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар. Колхоз ва совхозларда тракторлар, йиғим-терим комбайнлари ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари сақланадиган бостирмалар қурилмоқда, ремонт базаси мустаҳкамланмоқда.

Область халқ контроли комитети ўтказган текшириш колхоз ва совхозларда, «Узсельхозтехника» бирлашмаларида техникани сақлаш ва ремонтни ташкил этишда хўжасизлик фактлари ҳануз рўй бераётганини кўрсатди. «Боёвут» совхозининг уч бўлимидагина 15 дона машина қиш мавсумида механизаторларнинг хонадонлари ёнида «сақланмоқда». Бўлимларнинг техника паркига тўпланган машиналар ҳам қаровсиз қолдирилган. Улар тартибсиз сақланмоқда. Натижада янги-янги тракторлар ва агрегатларни қисмларга бўлиб йўқ қилиб юбориш ҳоллари юз бераётир. Ҳалқ назоратчилари Усмон Юсупов номли, Ворошилов номли, «СССР 50 йиллиги» совхозларида, «Узсельхозтехника»нинг айрим район бирлашмаларида ҳам шу сингари нуқсонларни учратишди.

Текшириш якуни область халқ контроли комитетида кенг муҳокама қилинди. Тракторлар, комбайнлар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини сақлашда хўжасизликка йўл қўйган шахслар жазоланди.

Р. ЮНУСОВ,
Гулистон шаҳри.

МАКТУБДАН РУҲЛАНИБ

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактуби Ленинск шаҳар халқ назоратчиларининг активлигини беқиёс ошириб юборди. Халқ хўжалигида ишлаб чиқариш резервларини ишга солиш, моддий ва ёқилғи ресурсларидан оқилона фойдаланишга эришиш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш назоратчилар фаолиятининг асосий йўналишларига айланди. Улар кучгайратларини ўнинчи беш йилликнинг учинчи йили плани муваффақиятли бажарилишига қаратмоқдалар.

— Шаҳримиз саноат корхоналари, ташкилот ва муассасаларидаги 95 халқ контроли группаси ва 54 постда 1120 назоратчи фаол иш олиб бормоқда, — дейди шаҳар халқ контроли комитетининг раиси А. Хожисолиев. — Улар иштирокида ўтказилаётган рейдлар, текширишлар ва кўриклар моддий ресурслар ва пул маблағларидан тежаб-тергаб фойдаланиш, янги техника ва технологияни тезроқ жорий этиш меҳнатни илмий асосда йўлга қўйишни таъминлаш орқали план ва мажбуриятлар ошириб бажарилишга хизмат қилаётир. Пахта тозалаш, ремонт, 6-авторемонт заводлари, 84-автомобиль корхонаси халқ назоратчилари бу соҳада айниқса ибратли ишларни амалга оширмоқдалар.

М. АҲМАДЖОНОВА,
Андижон области.

ОШКОРАЛИК УЧУН

Боғот районида халқ контроли группалари фаолиятининг ошкоралигини таъминлаш воситаларидеворий газеталар, назорат ойналари, «Фотоайбнома»ларнинг конкурси ўтказилди. «Коммуна» колхози халқ контроли группасининг деворий газетаси биринчи ўринни эгаллади. Колхоз назоратчилари чиқараётган сатирик деворий газеталар, назорат ойналари, «Фотоайбнома»ларда халқ назоратчилари ишининг ошкоралиги, таъсирчанлигини оширишга алоҳида эътибор беришмоқда. «Хорезмводстрой» Боғот кўчма механизациялашган колоннасининг «Назоратчи» деворий газетаси иккинчи ўринни эгаллади. Учинчи ўрин Навоий номли ўрта мактабнинг халқ назоратчилари деворий газетасига берилди.

Қ. БОБОЖОНОВ,
Хоразм области.

ЖАМОАТЧИЛАРГА — МУКОФОТЛАР

ГУЛИСТОН. Область халқ контроли комитети халқ контроли органлари ишида фаол қатнашган бир группа назоратчиларга ташаккурнома эълон қилиб, уларни эсдалик совғалари билан тақдирлади. Мукофотланганлар орасида Гулистон шаҳар халқ контроли комитети штатсиз бўлимининг инспектори Г. Косульников, область касалхонаси халқ контроли группасининг раиси К. Шалбеков, «Москва» совхози халқ контроли группасининг раиси Т. Тошматов, Гулистон районидаги К. Маркс номли колхоз халқ контроли группасининг раиси Н. Ҳолиқбердиев ва бошқа ўртоқлар бор.

Ю. РАҲМОНБЕРДИЕВ,
Сирдарё области.

ТАЪСИРЧАНЛИК САМАРАСИ

ҒАЛЛААОРОЛ. 1-«Ғаллаорол» совхози халқ назоратчилари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, сифатини муттасил яхшилаб боришга самарали ҳисса қўшмоқдалар. Ўртоқ Н. Эмирасанов бошлиқ халқ контроли группаси совхоз ишлаб чиқаришнинг етакчи участкаларида таъсирчан назоратни йўлга қўйган. 87 нафар халқ назоратчиси чорвачилик, механизация, қурилиш ва ишлаб чиқаришнинг бошқа участкаларида юз бераётган камчиликлар тезда бартараф этилишига эришмоқдалар. Сўнгги бир йил мобайнида улар 117 рейд ва текшириш ўтказишди. Улар ишлаб чиқариш резервларини кидириб топиш ва ишга солишга ёрдам берди.

Яқинда район партия комитети совхоз халқ контроли группасининг ҳисоботини тингланг, унинг ижобий тажрибасини кенг оммалаштириш тўғрисида қарор қабул қилди. Шу кунларда совхоз назоратчилари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Мактуби асосида ўз ишларини янада активлаштирмоқдалар.

А. САИДОВ,
Жиззах области.

Қора металл — халқ бойлиги

ТЕЖАМКОР БЎЛАЙЛИК

Шаҳримиз саноат корхоналарининг меҳнаткашлари ўнинчи беш йилликнинг учинчи йили план топшириқларини ортиғи билан адо этиш учун қизғин курашмоқдалар. Завод ва фабрикаларда, қурилиш участкаларида йиллик планни СССР Конституцияси қабул қилинганлигининг бир йиллик кунигача бажариш ҳаракати авжида. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотларига, меҳнаткашларига Мактубида йиллик планни тўла ва ошириб бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириш, ҳар соҳада тежамкор бўлиш ва резервларни тўла-тўкис ишга солиш ғоят муҳимлиги алоҳида таъкидланди.

Самарадорлик учун актив курашиш шаҳар халқ назоратчиларининг асосий вазифаси бўлиб қолди. Улар текшириш ва рейдларда қатнашиб, халқ мулкини эҳтиёт қилиб асраш, ҳом ашё, материаллар, ёқилғи, электр энергиясидан оқилона фойдаланиш учун курашда жонбозлик кўрсатмоқдалар. Айниқса, саноат корхоналарида кора металл прокатини тежаб-тергаб сарфлашга катта эътибор берилмоқда. «Халқ хўжалигида металл чиқитлари ҳали ҳам кўп эканлиги ва амалда камаймаётганига тоқат қилиб бўлмайди... Брак натижасида кўп исрофгарчиликка йўл қўйилмоқда», — деб таъкидланади Мактубда. Ана шу вазифани бажариш учун кўплаб рейдлар, текширишлар, кўриклар ўтказилмоқда. Аниқланган камчиликлар ишчанлик билан бартараф этилмоқда.

Яқинда ремонт-механика ва мотор ремонт заводларида қора металл прокатидан фойдаланишнинг аҳволи текшириб чиқилди. Ана шу корхоналарда кора металлдан ўринли фойдаланиш мақсадларини кўзлаб бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда тегишли тадбирлар ишлаб чиқилган, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлигига сарфланаётган металл нормаси тасдиқлаб қўйилган.

Лекин текшириш шуни кўрсатдики, ҳали бу корхоналарнинг ишида бир қатор жиддий камчиликлар рўй бераётир. Мотор-ремонт заводида металлни сарфлаш нормаларига ҳамиша ҳам риоя қилинавермайди. Айниқса, кузов цехида маҳсулот бирлигига нормадагидан кўп кора металл сарфланмоқда. Ишлаб чиқариш жараёнларида белгиланган материалларни бошқа турлари билан алмаштириш ҳоллари учрайди. Кора металл прокатини ишлаб чиқариш участкаларига тақсимлаш партияси бузилаётир. Шу нарса ажабланарлики, завод буюртмасисиз келиб қолган хом ашё омборга кирим қилинмайди. Аслида бу материал ишлаб чиқариш эҳтиёжларига сарфланиб, улардан ишлаб чиқарилган маҳсулот бошқа ташкилотларга реализация қилинаверади. Заводда статистика ҳисоботи издан чиқиб кетган. 35,8 тонна қора металл прокати ҳеч қандай асоссиз омбор ҳисобидан чегириб ташланган.

Ремонт-механика заводида ҳам металл сарфлашни ҳисобга олишда камчиликлар содир бўлаётир. Чунончи, икки-уч ой илгари ишлатиб юборилган металлар кейинги ойлар ҳисоботига қўшиб юборилмоқда. Корхонада фонддаги материалларни чекка ташкилотларга бериб юбориш фактлари ҳам учрайди. Фақат сўнгги ўн ойдагина шу йўл билан 95,8 тонна қора металл «реализация» қилинган. Шу ҳисобдан 13,2 тонна металл алоҳида шахсларга сотиб юборилганлиги айниқса таажжубланарлидир.

Шаҳар халқ контроли комитети Совет Иттифоқи партия, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотларига, меҳнаткашларига Мактубдан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш борасида тобора изчил иш олиб бораверади. Халқ назоратчилари ўтказаётган оммавий текширишлар ва рейдларда асосий эътибор қора металлни тежаб-тергаб сарфлашни таъминлашга қаратилмоқда. Биз бу соҳадаги ишларни бундан буён ҳам қизғин давом эттираверамиз.

Р. УРМОНОВ,
Бухоро шаҳар халқ контроли комитетининг раиси.

СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШЯПТИ?

АҲОЛИ ЭҲТИЁЖИНИ ЎРГАНИБ

Пахтакор районининг ташкил топганига энди ўн йил бўлди. Район меҳнаткашларига маиший хизмат кўрсатиш йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Шуни айтиш кифояки, сўнгги тўрт йил ичида маиший хизмат кўрсатиш салмоғи икки баравар ошди, хизмат турлари эса 16 хилга етди. Аҳоли жон бошига хизмат кўрсатиш салмоғи бўйича районимиз Жиззах областидаги районлар ичида энг юқори ўринни эгаллаб келмоқда.

Биз бунга қандай қилиб эришдик? Аҳолининг моддий фаровонлиги юксалиши натижасида маиший хизматга эҳтиёж ортиб бориши табиийдир. Ана шу эҳтиёжларни ўрганиш ва комбинат фаолиятини шунга қараб мослаштириш катта аҳамиятга эгадир.

Кейинги йилларда районимизда уй-жой қурилиши авж олиб кетди. Ҳозирги вақтда аҳоли жон бошига 10 квадрат метр уй-жой тўғри келмоқда. Ҳар йили юзлаб оналарнинг янги уйларга кўчиб ўтаётганлигини ҳисобга олиб уларнинг палоса бўлган талаби қанчалик ошганлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Шунинг учун биз палос тўқиш цехи ташкил этишга қарор қилдик. Республика Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги бу ташаббусни маъқуллади. Комбинатнинг Х. Шобаратов мудирлик қилаётган палос тўқиш цехи ҳар йили чўқуварларнинг 200 минг сўмлик буюртмасини бажараётир. Қабул пунктларига аҳолидан палос тўқиш учун кўплаб буюртма тушмоқда.

Биз чўқуварларнинг маиший хизматга бўлган эҳтиёжларини, улар комбинатимиздан нималарни кутаётганлигини ўрганиш учун анкета тарқатдик. Чўқуварлар сўнггги модадаги трикотаж кийимларни кўпроқ ишлаб чиқариш истагини билдирдилар. Коллективимиз буни ҳисобга олиб, А. Икромов номли совхозда трикотаж цехи очди. Бу ерда 6 та станок ўрнатилди. Эндиликда трикотаж кийимларга аҳолидан тушаётган буюртмалар тўла қондирилмоқда. Бу ишда Д. Верба бошлиқ тўқувчилар самарали ишлаб, кишиларнинг таҳсинига сазовор бўлмоқдалар.

Районимизда 5 та типовой маиший хизмат уйи ишлаб турибди. Уларнинг ҳар бирида бичувчилик, сартарошлик, ямоқчилик, сураткашлик каби хизмат турлари мавжуд. Бундан ташқари комплекс қабул пунктлари очилган бўлиб, кийимларни ювдириш ёки химиявий усулда тозалаш, пахта титтириш, бош кийим, пойафзал, трикотаж буюмлар тиктириш бўйича буюртмалар бериш мумкин.

Ульянов номли ва Т. Абдужабборов номли совхозларда ҳали маиший хизмат уйлари қурилган эмас. Ана шу совхозлардаги чўқуварлар талаб ва эҳтиёжларини қондириш мақсадида 2 та кўчма хизмат уйи ташкил этдик. Кўчма хизмат уйи бу совхозларга ҳафтада икки марта келиб туради. Унда сартарош, бичувчи, пойафзалларни ремонт қилувчи ва суратга олувчи маиший хизмат ходимлари бўлади. Айни пайтда у комплекс қабул пункти сифатида иш олиб боради: аҳолидан буюртмалар қабул қилади, бажарилган буюртмаларни эгаларига топширади.

Район хўжаликларида 4 та тикувчилик цехи ишлаб турибди. Аҳолининг эҳтиёжларини ҳисобга олиб, бу цехларда меҳнат қилаётган тикувчилар сони тўрт йил ичида тўрт баравар кўпайтирилди. Тикувчиларнинг маҳоратини ошириш учун кўрик-конкурслар ўтказилмоқда. «Пахтакор» совхози марказидаги тикувчилик цехигина йилига аҳолининг 2,5-3 минг сўмлик буюртмасини бажараётир.

Чўқуварларнинг истакларини ҳисобга олиб, хонтахта, буфет каби мебеллар тайёрлайдиган ва ремонт қиладиган цех ташкил этдик. Бу цехнинг қуввати ҳам йил сайин ортиб бормоқда.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, пахтакорларнинг тўйларни жамоат биноларида ўтказишлари одат тусига кириб бормоқда. Биз, тўй қилувчиларга намунали хизмат кўрсатиш учун прокат пунктига коса, тарелка, чойнак-пиёла каби буюмларни кўпроқ ажратдик. Прокат пункти кўпдан буён аҳолига холис хизмат кўрсатиб, ўзини оқлаб келмоқда.

КПСС XXV съезди қарорларига мувофиқ равишда аҳолига маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш учун ҳамма чораларни кўраверамиз.

М. ИСКАНДАРОВ,
Пахтакор райони маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг директори.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

НА СОВУҚ, НА ИССИҚ КОР ҚИЛАДИ...

Ангрен керамика комбинати, да биноларнинг фасадларига қопланадиган совуққа чидамли сирни саноат қўламида тайёрлаш технологияси синовдан яхши ўтди. Шу технология ва янги материал рецептини Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Химия институтининг олимлари ишлаб чиқдилар.

Улар яратган сир қаттиқ совуққа чидамлилигидан ташқари, таркибига қўшилган модда уни Ўрта Осиё иқлимига хос ҳароратнинг кескин ўзгаришларига ҳам анча бардошли қилади. Янгилик бинокорлик практикасида кенг қўламда жорий этишга тавсия қилинди.

ЕНГИЛ ВА ПИШИҚ

Республика Фанлар академиясининг механика ва зилзилага бардошли иншоотлар институти олимлари саноат объектларини қуришда структуравий конструкциялардан фойдаланиш борасидаги тавсияларни ишлаб чиқдилар. Най металлдан ишланган 30 метрли квадрат формалар бино вазнини енгиллаштиришдан ташқари, унинг зилзилага бардошлигини оширади.

Ўрта Осиё республикаларида, шунингдек БАМда, Узоқ Шарқ ва Сибирнинг бошқа районларида саноат қурилиши олиб бораётган буюртмачи ташкилотларга шу тавсиялар ва ҳисоблар топширилди. Экономистларнинг ҳисобларига кўра, бу тавсияларни жорий этишдан олинадиган йиллик самара 200 минг сўмга боради. (ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ ҚИШИ. С. Маҳкамов фотоэтюди.

Филипп Иванович УЧЕВАТКИН

Таниқли олим, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном, республика аҳамиятига молик шахсий пенсионер, 1941 йилдан КПСС аъзоси Филипп Иванович Учеваткин 23 январь куни тўсатдан вафот этди.

Ф. И. Учеваткин 1905 йилда туғилди. 1927 йилда Тошкентдаги Ўрта Осиё Давлат университети қишлоқ хўжалик факультетини тамомлади ва «Пахталиққўл» совхозига ишга юборилди, сўнгра Тожикистон қишлоқ хўжалик тажриба станциясида ишлади. Андижон областининг Андижон ва Ленин районларидаги колхозларни тузиш ва мустаҳкамлашда қатнашди.

Ф. И. Учеваткин Андижондаги ва Тожикистондаги қишлоқ хўжалик тажриба станцияларини ва Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг тажриба-биология институтини ташкил этишнинг актив қатнашчиларидан бири бўлди. У институтда директор ва директорнинг илмий қисм бўйича ўринбосари бўлиб ишлади, илмий тадқиқот ишлари олиб борди.

Ф. И. Учеваткин 1936 йилдан 1940 йилгача чет элларда, сўнгра эса СоюзНИХИнинг катта илмий ходими бўлиб ишлади.

Ф. И. Учеваткин 1943 йилдан 1948 йилгача Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппаратида КПСС Марказий Комитети группасининг раҳбари ва Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетига биринчи секретарининг ёрдамчиси бўлиб ишлади.

Шундан кейин Ф. И. Учеваткин ўсимликларни ҳимоя қилиш Ўрта Осиё илмий-тадқиқот институти директорининг илмий қисм бўйича ўринбосари ва НИИЗРнинг вилтга қарши иммунитет бўлими лабораториясининг мудири, Ўрта Осиё пахтачилик бошқармаси фан бўйича бош бошқармасининг бошлиғи ва коллегия аъзоси, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги фан бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари бўлди ва айни вақтда ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институтида темаларни танлаш ва ижро этиш ишига раҳбарлик қилди.

Ф. И. Учеваткин сўнгги вақтларда СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги ўсимликларни ҳимоя қилиш институтида ишлар экан, вертициллез вилтига қарши ғўза иммунитети бўйича тадқиқотлар ўтказди.

Ф. И. Учеваткин пахтанинг вилтга чидамли 31-Ф нави автори бўлиб, бу нав Фарғона водийси хўжаликларида районлаштирилди.

Ф. И. Учеваткин 80 дан кўпроқ илмий асарлар ёзиб чоп эттирди, у «Пахтачилик» дарслигини ва «Пахтачилик бўйича справочник»ни нашр этишда актив қатнашди. У 7 нафар фан кандидати тайёрлаб етказди.

Ф. И. Учеваткин Ватан олдидаги хизматлари учун Меҳнат Қизил Байроқ ордени, икки марта «Ҳурмат Белгиси» ордени ва кўпгина медаллар билан мукофотланди.

Меҳрибон ва дилкаш, истеъдодли инсон, олим ва уйқан ташкилотчи бўлган Ф. И. Учеваткининг хотираси уни билган ҳамма кишилар қалбида ҳамиша сақланиб қолади.

Бир группа ўртоқлари.

Ахборот

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ВА ЎзТАГ МУХБИРЛАРИНИНГ ХАБАРЛАРИДАН

АТЛАС ФАБРИКАСИГА ЯНГИ БИНО

Янги йил арафасида Шаҳрихон атлас фабрикаси янги бинога кўчиб ўтди. Кенг ва ёруғ корпус замонавий тўқимачилик ускуналари билан жиҳозланган. Бинони 24-қурилиш трестининг 2-механизациялашган кўчма колоннаси коллективи бунёд этди.

1977 йилни муваффақиятли якунлаган фабрика коллективи янги бинода ғайрат билан иш бошлади.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

«Юрий Гагарин» теплоходи Амударёнинг юқори қисмида кема қатновини бошлаб берди. У Шерхон портига Афғонистон учун товар ортилган баржалар карвонини олиб келди.

Кемаларнинг илғор командалари ва юк ташувчилар бригадалари беш йилликнинг учинчи йил план топшириқларини СССР Конституцияси қабул қилинган куннинг бир йиллигига бажариш мажбуриятини олдилар.

ТРОЛЛЕЙБУСЛАР ҚАТНОВИ БОШЛАНДИ

Самарқандда ўрнатилган янги маршрут бўйлаб троллейбуслар қатнай бошлади. Бу маршрут янги микрорайонда колхоз бозори ва автостанциягача қатнайди. Ҳозир шаҳарда шу турдаги транспортнинг бешта маршрути бор. Химиклар посёлкасига олиб борувчи олтинчи маршрутни ҳам очиш мўлжалланмоқда.

ОЛИМПИАДА ЭМБЛЕМАСИ БИЛАН

Чустдаги бадиий буюмлар фабрикасида тикилган дўппи XXII Олимпиада ташкилот комитетининг дипломига сазовор бўлди. Олимпиада ўйинлари эмблемаси ва «Москва — 1980» ёзуви дўппидаги миллий нақшлар билан нафис уйғунлашиб кетган. Бу дўппининг нақшини фабрика чеварларидан Ҳ. Дадабоева яратган.

БОЛАЛАР УЧУН

Оёқ кийимларнинг дастлабки туркуми Чирчиқ пойафзал фабрикасининг Бўстонлиқ район Хумсон қишлоғидаги филиали конвейеридан чиқди. Корхона ғоят унумли асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлиб, болалар учун уйда киядиган пойафзал ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Ҳар йили бу ерда чий духоба ва бошқа газламалардан 45 минг жуфт шиппак, юмшоқ туфлилар ишлаб чиқарилади.

ЧЎЛДА ПОСЁЛКА

Фарғона шаҳри билан Чимён ўртасида ястаниб ётган Саткак даштида янги, замонавий посёлка қад кўтарди. Фарғона районидаги «Ёш ленинчи» совхози ишчилари учун қурилган бу шаҳарчага «Оқарикобод» деб ном берилди. Посёлка уйлари мукаммал пойиҳалар асосида қурилган бўлиб, 4—5 хонага эга. Ҳозиргача «Оқарикобод»да 42 хонадонда ҳовли тўйлари бўлиб ўтди. Яна ўнлаб ана шундай уйлар, мактаб, боғча-ясли, поликлиникалар барпо этилади.

СПОРТ

ФУТБОЛ:

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Москва ва Ленинградда «Неделя» ҳафталик газетаси совғини учун ўтказилган Бутуниттифоқ турнири ғолиблари аниқланди. Москвада бош совғин учун торпедочилар билан темирйўлчилар ўзаро куч синашдилар. Бу ўйинда «Локомотив» дарвозасига жавобсиз қўш тўп йўллаган торпедочилар зафар қучдилар. Ленинградда Ворошиловграднинг «Заря» футболчилари билан киевлик динамочилар учрашувида эса 11 метрли жарима тўпларини нишонга олиш бўйича «Заря» футболчилари маҳорат кўрсатиб, совриндор бўлдилар. Тошкентлик пахтакорчилар бешинчи ўрин учун курашда «Черноморец» футболчилари билан куч синашиб, муваффақият қозондилар. Одессаликлар дарвозасига В. Фёдоров билан В. Чуркин биттадан тўп киритишди. Бутуниттифоқ қишки турнирида пахтакорчи В. Фёдоров энг яхши ҳужумчи деган баҳога сазовор бўлди.

БЕЛЛАШУВЛАР, ТЎПЛАР, ОЧКОЛАР

⊙ ХОККЕЙ. Биринчи лига командалари узоқ танаффусдан кейин чемпионатнинг иккинчи давра ўйинларини бошладилар. Тошкентнинг «Бинокор» команда дастлабки учрашувни Киевда ўтказди. Маҳаллий «Сокол» хоккейчилари билан ўйинда бинокорчилар имкониятни (4:3), (5:1), бой беришди.

⊙ ФУТБОЛ. Европа кубоклари учун курашда иштирок этаётган командалар ўртасида қуръа ташланди. Москвалик динамочилар кубок эгалари кубоги учун курашнинг чорак финалида Испаниянинг «Реал-Бетис» клуби билан учрашадиган бўлди.

⊙ ВОЛЕЙБОЛ. Бокуда олий лига командалари қатори мамлакат чемпионатининг биринчи давра иккинчи тур ўйинларини ўтказаётган Тошкентнинг «Автомобилист» командаси қизлари Бокунинг «Нефтчи» коллективига (2:3) ютқазиб қўйишди.

НИҚОБДОР КИШИ

Фельетон

Яқинда Хоразмдан бир хат келди. Унда шундай деб ёзилган: «Почтальон янгишиб ташлаб кетган ушбу хатни сизларга юборяпман. Сабабини ўқисангиз биласиз». Шу хат билан танишиб чиққач, уни фельетон деб атаб, эътиборингизга ҳавола этишга қарор қилдик.

Саломдан сўнг маълум бўлсинки, ушбу хатни ёзувчи Иброҳим деб билурсиз. Кўпдан бери ўзим ҳақимда хабар беролмаганим учун минг карра узр. Ўзингиздан қолар гап йўқ. Ўша алғовдалғов ишлар билан овора бўлиб, ёзишга сира фурсат бўлмади. Ешулли, эсингиздами, юрагим қисилиб, ўзимни қўярга жой тополмай юрган ўша кезларимда «хафа бўлаверма, ҳали ҳаммаси изга тушиб, кўрмагандай бўлиб кетасан», деган эдингиз. Мен сизга айтсам, каромат-ли одам экансиз. Мана энди тепамдаги булутлар тарқаб, елкамдаги эил-замбил юкдан халос бўлдим. Бахтимдан ўргилайки, бошимда момақалдироқ гулдурагани билан чақмоғи тегмай ўтиб кетди. Бир оз чўчиганим қолди, ҳолос.

Ўзи ҳам айтишга осон, қил устида турган, қилт этсам жаҳаннамга қулагандай бир неча йилни олиб кетишим нақд бўлиб қолган эди. Бундоқ кўз олдингизга келтиринг, камомаднинг ўзидан йигирма минг сўм чиқиб турибди. Ҳазилакам пулми? Маош олиб ишлайдиган бир йигитнинг умри етмайди шунча пулни топишга...

Ўзи ҳам тергов ва судда хўп қийин-қистовга олишди: «Айтингчи. йигирма минг уч юз йигирма саккиз сўм ўттиз беш тийинни бир ўзингиз еди-нгизми ёки шериклари-нгиз ҳам бормиди?» эмиш. Мени жуда ҳам гўл деб билишди шекилли улар. «Э, иним. мени илинтираман деб овора бўлмай қўя қол. сен шохида юрсанг. мен баргида чопқиллайман». деб юборгим келдию. яна ўзимни босдим. Айтиб бўлармиди. оғзингдан чиққанини шу заҳоти ёқангга ёпиштиришади-я.

Шунақа пайтда томошабиннинг кўзини бойлаб ўзини минг мақомга соладиган саҳнадаги кўзбойлоғичларга ҳавасинг келиб кетар экан. Қани энди мен ҳам шундай ҳийла ишлатсаму ҳамирдан қил суғургандай осонгина қутулиб кетолсам. Шу тобда миямга бир фикр келди. Тўхта-чи. Иброҳим, касбинг таъминотчи бўлиб. бир кунда неча-неча одамлар билан муомала қилган. сакиз йиллик фаолиятинг давида келиб кетган беш раҳбарнинг ҳаммаси билан тил топишган бўлсанг-у, кўзбойлоғичдан қаеринг кам. Қани. 41-ПМК бошлиқларига кўрсатган ҳунарингни шу терговчига ҳам кўрсатчи. зора мушкулинг осон бўлса, дедим.

— Шеригим йўқ, иним.

— Демак, чиққан камомад якка ўзингизники, шундайми?

— Ўлимдан хабарим бору, бу камомаддан хабарим йўқ. Жўжабирдай жонман, раҳмингиз келсин, жон укам.

Шу денг. бир маҳал ўзимни терговчининг оёғига ташлаб ўқраб йиғлаб юборибман. Шунақа пайтда кўз ёши ҳам қаердан келиб қоларкин, билмайман, бир пасда дастрўмолим жиққа ҳўл бўлиб кетди.

— Қўйинг, йиғламанг, — терговчининг раҳми келди шекилли, мени юпатди. Унга кўз қиримни ташладиму қувониб қетдим. Қармоғимга илингани аниқ. Терговчи гапида давом этарди. — Ҳали текширамиз. айбингиз бўлмаса, чиқариб юборамиз. Яна эски ишингизда ишлайверасиз. Фақат бизга камомаднинг қаердан келиб чиққанини тушунтириб ёзиб берсангиз бўлгани.

— Майли. ёзаман, қоғозқалам беринг.

Шундай дейишга дедиму, яна ўйланиб қолдим. Ахир тахталарнинг ўзидан 169,5 кубометрини, 100 тоннадан кўпроқ цементни, 118 квадрат метр ром блокларини, 146 тонна оҳакни, қўйингчи, яна қанчадан-қанча фанер, шифер, плита ва пол тахталарнинг тагига сув қуйганим мана, мен деб турган бўлсаю, яна қанақа баҳоналарни кўрсатаман. Ё ҳамма ишимни пачава қилган ўша ревизорларга берган тушунтириш хатимдан яна биттасини ёзсаммикан? Таваккал. ёзиб қолгунча отиб қолиш керак. «1977 йил 1 сентябргача зиммамдаги қурилиш материалларидан камомад чиқишининг сабабини мен шундай деб изоҳлайман. Ўтган икки йил ичида 21-қишлоқ қурилиши трестига қарашли УПТК омборидан олинган материалларни ҳисоблаб чиқмай қабул қилаверганман. Уларнинг кам чиқиши етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган. Оз-ози тўпланиб, икки йилда ҳисобимдаги камомад 20328 сўм 35 тийинга етибди...» Яна нима деб ёзсам бўларкин? Балки 41-ПМК да материал-таъминот бўлими тугатилгандан сўнг бошлиғимиз Жуманиёз Пўлдошевнинг ўзлари қўл қўйиб 44-буйруқ билан 1972 йил 1 апреллдаёқ мени 5-разрядли ишчи қилиб ўтказиб қўйганларини ёзсаммикан? Ахир ўшандан кейин ҳам қоғозда тугатилган таъминот бўлимини амалда бошқариб турган бўлсам ҳам расмий ҳужжатларда ишчи деган номим бор-ку. Шу ном билан икки йилда ҳатто 3649 сўм 32 тийин маош ҳам олганман. Ишчи номи улуғ ном деб бекорга айтишмагандир. Тушунтириш хатимга шуни ҳам тиркаб қўйсам нафи тегмай қолмас...

Ўзи ҳам умримнинг энг тилла даври эди-да. Ўша йиллар. Хатто «Ўзсельхозтехника» область бирлашмасининг Урганч савдо базасида омбор мудири бўлиб ишлаб юрганимда ҳам бунчалик яйрамаган эдим. Идорамизнинг ўзи қурилиш ташкилоти бўлганидан кейин қишлоқлардаги қурилишларга дарёдай оқиб келадиган нимаики материал бўлса, ҳаммаси менинг қўлимдан ўтарди. Ҳар ким ҳам булоқ бошида ўтирганидан кейин ҳовучи биланми. пиёладами. қўйинг-чи, челакни тўлдириб ичадими, унинг ихтиёрида. Шундай бўлгандан кейин мен ҳам қурилиш материалларининг кўнглимга ёққанини олиб, ёқмаганини қурилишга жўнатаверардим. Биров «Хой, нима қиляпсан, бу ер холангнинг маҳрига тушган идорами ё давлат идорасими», — демасди. Бошлиқ ҳам индамасди. Жуда ошириб юборадиган бўлсам, «Сал пастроққа тушинг, Иброҳим, уйдаги гап кўчага ўрмаламасин-а» деб қойиб қўярди. Мен ҳам «Хўп бўлади» дердиму, ишимни келган жойидан яна давом эттираверардим. Бошлиқ билан тил топишган қозончи истаган жойидан қулоқ чиқаради, деганлари шу бўлса керакда... Афсус, минг афсуски, бўшанда бошлиқларнинг сўзига кирмай ўзбилармонлик қилган эканман. Улар айтганларидай, уйдаги гап кўчага ўрмалаб, ҳароланиб юрган жойимдан судга шилқиллаб тушиб ўтирибман...

Урра! Қойил! Терговчига берган хатимга «Ишчиман» деб ёзиб яхши қилган эканман. Суд пайтида «Ҳужжатларида ишчи деб расмийлаштирилган экан, демак унинг таъминотга даҳли йўқ. Иброҳим Юсуповнинг ўрнига, уни бу ишга аралаштиргган бошлиқларнинг ўзини айбдор қилиш керак», деган қарорга келиб, енгилгина жазолашди. Одми қилиб айтганда, буни 20328 сўм 35 тийинлик камомадимга менинг сира даҳлим йўқ, демак мен айбдор эмасман. деб тушунишингиз керак, шундай эмасми. Хуллас, ёшулли, сизнинг кароматингиз тўғри чиқиб, яқин орада эски ишимни яна давом эттираверсам ажаб эмас. Агар янги гаплар чиқиб қолса дарҳол ёзиб юбораман, деб **Иброҳим Юсупов.**

Бу хатни газетага йўлловчи Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлиги контрол-ревизия бошқармасининг катта бухгалтер-ревизори:

А. ЭШМАТОВ.

ИЗЛАНИШ ВА КАШФИЁТЛАР

МАЙМУНЖИЙДАНИНГ «ҲУНАРЛАРИ»

Тошкентлик химиклар ва ботаниклар маймунжийдани тўқимачилик саноатида ҳам ишлатиладиган қилдилар. Маймунжийда меваси ва баргидан тайёрланган экстракт жун ва ипанни исталган рангга бўяй олади. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ботаника институтида ўтказилган тажрибаларнинг кўрсатишича, экстракт тайёрлаш усулига қараб, юзга яқин ҳар хил тус ҳосил қилиш мумкин. Маймунжийдадан ясалган бўёқлар айнимайдиган бўлиб чиқди. Ҳаттоки, ишқорга солинган калава ва газлама ҳам тусини сира ўзгартирмади. Бўёқ ҳом ашёсини фармацевтика ва озиқ-овқат саноати учун маймунжийда тайёрлаш билан бирга олиш мумкин.

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 9.55 — Бир кишн ҳамма учун, ҳамма бир кишн учун. 10.40 — «Мангу даъват» (бадиий фильм, 12-серия). 12.00 — «Мўъжизасиз мўъжизалар». 13.00 — А. Циганков чалади. 15.00 — «Мехнатнинг — иқболинг». 15.45 — «Момақаллироқ» (кўрсатув). 16.30 — Сиз яратган боғ. 17.00 — «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». 17.30— «Алкоголизм ва уни даволаш». 18.05 — Концерт. 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Жаҳон халқларининг ижоди. 19.15—«Инсон ва қонун». 19.45 — «Александр Невский» (бадиий фильм). 21.30 — «Вақт». 22.00 — Фильм-концерт. 22.30 — Хоккей: «Крылья Советов» — «Динамо» (М).

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.00 — «Олимпия умидлари». 18.25 — «Фан». 18.55 — «Илғор тажриба мактаби». 19.15 — «Ахборот». 19.30 — Ҳужжатли фильм. 19.40 — «Адабий портрет». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.20 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — «Вақт». (Москва). 22.00 — «Мусобақа, тажриба, ташаббус». 22.20 — «Жавоҳирлар маликасига ҳужум» (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — «Уғрюм-дарё» (бадиий фильм, 2-серия). 20.20 — Биология. 20.50 — Янгиликлар. 21.10 — Ўқитувчи экрани. 21.40 — Олий математика.

Радио

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Н. Пўлатова ва Ҳ. Лутфуллаев куйлайди. 9.30 — «Олтин водий қўшиқлари». 11.15 — «Социализмда шахснинг шаклланиши». 12.10 — «Ўзбекистон ишчиси». 13.00 — «Илғор тажриба мактаби». 13.30 — Джо Дассен куйлайди. 14.00 — «Социалистик мусобақа — муваффақиятларимиз гарови». 16.10 — «Адабий ҳаёт». 19.00—Концерт. 19.20 — «Ешлик». 20.25— Қорақалпоқ куйлари. 21.00 — Механизаторлар учун концерт. 22.00 — Ўзбек халқ қўшиқлари. 22.30 — Халқаро мавзулар. да суҳбат. 22.40 — «Ўзбек совет адабиёти радиоантологияси». 23.20 — Дам олиш концерти.

реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг
ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ
1978 йил учун
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА
АСПИРАНТУРАГА
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Сиртқи аспирантурага: ботаника, энтомология, генетика, мелиорация ва суғориладиган ерлар деҳқончилиги, тупроқшунослик, агрохимия, селекция ва уруғчилик, сабзавотчилик, мевачилик, ўсимлиқшунослик, шахсий зоотехника, ипакчилик, иқтисод, қишлоқ хўжалигини планлаштириш ва бошқаришни ташкил этиш, бухгалтерия ҳисоби ва хўжалик фаолиятининг анализи, иқтисодий тадқиқотларда ҳисоблаш техникасини қўллаш ва математик методлар.

МАҚСАДЛИ АСПИРАНТУРАГА:
кундузги ва сиртқи аспирантурага: сиёсий иқтисод;
кундузги аспирантурага: иқтисодий тадқиқотларда ҳисоблаш техникасини қўллаш ва математик методлар (Москва);
кундузги ва сиртқи аспирантурага: иқтисодий тадқиқотларда ҳисоблаш техникасини қўллаш ва математик методлар (Киев).

АСПИРАНТУРАГА КИРУВЧИЛАР ТАНЛАГАН ИХТИСОСИ БЎЙИЧА, КПСС ТАРИХИ ВА ЧЕТ ТИЛЛАРНИНГ БИРИДАН КИРИШ ИМТИҲОНИ ТОПШИРАДИЛАР.

Аспирантурага кириш ҳақидаги ариза институт ректори номига ёзилади ва қуйидаги ҳужжатлар билан топширилади: зачёт ведомостидан кўчирма билан олий ўқув юртини тугатганлиги тўғрисидаги дипломнинг нотариус тасдиқлаган нусхаси, сўнгги иш жойидан характеристика, таржимаи ҳоли, фотосурат билан (4х6 см.) кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, эълон қилинган илмий ишлари рўйхати ёки реферат, меҳнат дафтарчасидан кўчирма (иш жойида тасдиқланган), аспирантурада ўқиши мумкинлиги кўрсатилган соғлиғи тўғрисидаги справка (286-форма).

ҲУЖЖАТЛАР — 15 ФЕВРАЛГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ — 1 МАРТДАН БОШЛАБ ЎТКАЗИЛАДИ.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 700183, Тошкент шаҳри, 183-алоқа бўлими. Телефон: 62-25-37.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 24/I да **Майсаранинг иши**, 25/I да **Спартак**.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/I да **Олтин девор**, 25/I да **Қалби олов**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 25/I да **Ҳижрон**, 26/I да **Олифта**.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/I да **Бадбашара ёҳуд Эзоп**, 25/I да **Корчалонлар**, 26/I да **Кўзингни каттароқ оч**.

Кино

САНЪАТ САРОЙИ — **Севги синови** (катта зал), **Хизматдош ошиқлар қиссаси** (кичик зал, кундуз ва кечқурун).

Олтин камар — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ» (12, 14, 16, 18, 20, 21.30), «ҚОЗОГИСТОН» (11, 12, 13, 14, 18, 19, 21.00), «НУКУС» (11, 13, 15, 17, 19, 20.45), «ДРУЖБА», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Севги синови — «ДРУЖБА» (12, 18.00), «ҚОЗОГИСТОН» (15, 16, 20.00).

Жумбоқнинг ечилиши — «МОСКВА» (10,12, 14, 16, 19.30, 21.00), «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (10, 12, 14, 16, 18.00).

«СОЮЗТЕЛЕФОНСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ
ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ БОШҚАРМАСИ

Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлардан ва 8-10 синф ҳажмида маълумотлилардан кабелчи-қалайлловчи-алоқа монтажчиларини тайёрлайдиган

3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ҳар ойда 76 сўмдан стипендия берилади.

Курсларни тугатганлар Тошкент қурилиш-монтаж бошқармаси системасида иш билан таъминланадилар.

Справкалар олиш учун қуйидаги адресга мурожаат қилинг: Тошкент шаҳри, Куйбишев шоссеси, 15-уй, 12-корпус (5, 7, 12, 37, 55, 68-автобусларнинг «Тепловоз депоси» бекати). Телефонлар: 91-44-95, 91-56-94, 91-53-90.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР: Коммутатор — 330249 дан 330258 гача Эълонлар — 338142.

Р. 03151. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Д. — 20.